

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ИСЛОМНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимизда диннинг жамиятдаги ўрни мавзуга бағишланган қатор миллий ва халқаро илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

2002 йил майининг 29-куни Тошкент Ислom университетида «Динлараро тотувлик, бар-



қарорликда диний манбаларнинг ўрни» мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Тошкент Ислom университети, Республика Фанлар Академияси Шарқшунослик институти ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институти олимлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, Тошкент Ислom олий маъҳади ҳамда диний таълим муассасалари мударрислари диний бағрикенгликни мустақамлашга ва республикамизда зимдан қилинаётган ғайриқонуний миссионерликнинг олдини олишга бағишлаб жойларда ўтказилган мунозараларни умумлаштириб, зарур тавсия ва таклифлар ишлаб чиқдилар.

Шу йилнинг 5-6 июн кунлари эса Самарқандда Имом Бухорий мажмуининг мажлислар залида «Ислom ва дунёвий-маърифий давлат» мавзuidaги халқаро илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Имом Бухорий халқаро жамғармаси, Олмониянинг Фридрих Эберт халқаро жамғармаси ҳамда Тошкент Ислom университети биргаликда ташкил этишди.

Анжуманнинг асосий мақсади демократик фуқаролик жамиятида диннинг, хусусан, Ислom динининг ўрни ва аҳамиятини ҳамда бу борада

Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва тарғиб қилишдан иборатдир.

Дунёда юзага келган бугунги вазиятда сайёрамиз хавфсизлигини ва инсоният тараққиёти истиқболларини таъминлашда дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамият касб этаётгани ҳаммага маълум.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийликнинг мутаносиблиги натижасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик яхши таъминлангани, қолаверса, табаррук заминимизнинг азалдан умумжаҳон цивилизацияси марказларидан бўлгани мазкур анжуман бизнинг заминда ўтказилишининг асосий сабабларидан биридир.

Анжуманнинг биринчи куни Ғарб ва Шарқда ҳокимиятнинг дунёвий ва диний тармоқлари ажралиши, дунёвий давлатлар пайдо бўлиши мунозара этилди. Ҳозирги Ислomда дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги нисбат, дин-хуқуқ ва давлат мавзуларида фикр алмашилди.

Шунингдек, диний манбаларнинг таржимаси ва тафсирларига алоҳида эътибор қаратиш ло-



зимлиги айтилди. Чунки уларни бузиб талқин этиш динлараро тотувлик ва бағрикенгликка путур етказиши мумкинлиги таъкидланди.

Анжуман ишида Олмония, Миср, Эрон, Русия ва Ўзбекистон олимлари иштирок этишди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов табрик нутқи сўзлади (7-бетга қаранг).



**Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз**

Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Брюно Мецю – мусулмон

Мисрлик машҳур футболчи Муҳаммад ал-Хатиб 2 июн куни Миср телевиденияси орқали сўзга чиқиб, Франция-Сенегал учрашуви тугаши биланоқ Сенегал терма жамоаси мураббийи Брюно Мецю Исломга кирганини айтди.

Дарсхона

Муҳаммад СИДДИҚ

12

НАМОЗ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Такбири таҳримани қиёмда тик туриб айтади. Такбири таҳрима айтишда қўлларни кўтариш суннатдир. Бу амал шундай бажарилади: такбири таҳрима айтишни бошлаш билан қўл бармоқларини ўз ҳолича, кафт ичини қиблага қилиб кўтаради ва такбири таҳриманинг «р» товушини айтганда бош бармоқларини қулоқлари юмшоғига текказди. Бунда бошни эгмаслик керак.

Амри маъруф

Равшан МАМАДАЛИЕВ

14

ОМОНАТ

Ибодатларни шубҳа, риё, мадҳу сано ёки бошқа шу каби нарсалар умидида қилсак, амалларимиз ботил бўлиб қолади. Бунини ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Демак, ихлос омонатдир.

<i>Анжуман</i>	
Фуқаролик жамиятида Исломнинг ўрни	1
<i>Саҳобалар ҳаёти</i>	
Абдусаттор аш-ШАЙХ	
Абдуллоҳ ибн Масъуд	4
<i>Бугуннинг гапи</i>	
Абдурашид қори БАҲРОМОВ	
Ислом тинчлик ва эзгулик дини	7
<i>Фиқҳ</i>	
Қусурларимизни ўнглайлик	9
<i>Бир оят шарҳи</i>	
Абдуқайюм ҲИКМАТ	
Энг улуғ оят.....	10
<i>Наҳйи мункар</i>	
Восилжон ЮСУПОВ	
Қирқоғайни бехосиятми?.....	11
<i>Рангин туйғулар</i>	
Миршароф СОДИҚОВ	
Раҳматлик Собир Малҳам	15
<i>Маърифат</i>	
Исмоил ҲАКИМ	
Даврон АБДУЛЛОҲ	
Ўлим йўқлик эмас	16
<i>Сухбат</i>	
Фозил ЗОҲИД	
Азизларнинг давраларида	18
<i>Оила одоби</i>	
Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН	
Эр-хотинлик асослари	22
<i>Ўқувчи мулоҳазаси</i>	
Тоҳирахон БУРҲОНИДДИНОВА	
Хатоларимиз илмсизликдан	25
<i>Шеърят</i>	
Комилжон МАМАТОВ	
<i>Яссавий йўлида</i>	
Ўктам УМРЗОҚ	
<i>Илтижо</i>	
Меҳринисо ОЙДИНОВА	
<i>Бандаман...</i>	
Қодиржон АБДУРАҲИМ ўғли	
Туш	26
<i>Қарияларни қадрлаймиз</i>	
Мухторжон КАРИМ	
Убайдулла СОДИҚ	
Зиёрат	28
<i>Амри маъруф</i>	
Жамшид РУСТАМ	
Раҳмдил бўлайлик	29
<i>Тиббиёт бурчаги</i>	
Н. ВЎКЕР	
Сабзавот шарбатлари дардларга даво	30
<i>Мўъжиза</i>	
Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН	
Кўзингизни самога қайтаринг	32

Муносабат
Муҳаммад РАВШАН

20

АСЛИДА ДУНЁНИ КИМ БОШҚАРЯПТИ?



Яқинда бир танишим «Аслида дунёни ким бошқаряпти?» сарлавҳали бир варақани менга кўрсатди. У насронийларнинг бугунги кунда дунё бўйлаб кенг тарқалаётган янги «Иёхова шоҳидлари» деган оқими томонидан ёзилган экан.

Ибратли воқеа
Маҳмуд МАҲКАМ

25

МЕТРОДАГИ ДАРС

У кўзлари кўрмаса-да, китоб ўқиётган эди. Ўқиш кўрадиганларнинг иши эмасми? Шунда бир нарсани англадим. Бу киши кўзи билан эмас, қалби, руҳи ва вужуди билан ўқиётган эди. Ўз аҳволимдан уялиб кетдим. Неча ойдан бери столим устида турган, фақат уч-тўрт саҳифа ўқилган китоб, ҳаёти давомида битта ҳам китоб ўқимайдиганлар кўз олдимга келди.



Насихат

27

ЎТКИНЧИ ҲАЁТ УЙИ



Сиз ўткинчи бир ҳаёт уйдасиз ва умрингизнинг қолган қисмини кутмоқдасиз. Шу ҳолда ҳануз ўлим келмай туриб, ишларнинг энг фойдалисини қилиб олишга шошилинг. Бир қарабсизки, кутилмаган бир соатда ушланиб қоласиз. Унутмангки, бу дунё ёлғон ва алдов устига бино бўлган.

Hidayat 2002 5 *الهداية*

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Сирожиiddин АҲМАД

Абдуқаюм ҲИКМАТ

Нуриимон АБУЛҲАСАН

Абдулжалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМҲОН ўғли тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Тартибловчи

Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли

Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Компютерчи

Нилуфар СОБИРЖОН қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28

Директори Салоҳиддин Нуриддин

Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04

Директори Ўқтам ҳожи Умурзоқ

Қашқадарё вилояти — 8. 37522. 4-64-06

Директори Бозоров Рустам

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот

қўмитасида рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2002 й. 28 майда рухсат берилди. Бос-

маҳонага 2002 йил 30 майда топширилди. Қоғоз

бичими 84x108^{1/16}. Адади 7810 нусха. 130-сон бу-

юртма. «КОНИ NUR» МЧЖда босилди. Манзи-

ли: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.

Интернет почтамыз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.

Макет асл нусхаси Pentium-III

компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмаиди, тақриз қилинмаиди.

Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.

Абдусаттор аш-ШАЙХ

АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД

Қорилар ва фақиҳларнинг улуғи
(вафоти ҳижрий 31-32 йил)

УЧИНЧИ БЎЛИМ

Доимий ҳамроҳ ва доимий ходим

Абдуллоҳ ибн Масъуд ўсмирлик чоғида Исломига кирди. У қалби тоза, зеҳни ўткир, ғайратли, закий, мулоҳазали йигит эди. Қуръон оятларини тинглар экан, дастлаб нозил бўлган сурадаги Аллоҳ таолонинг ушбу сўзлари ибн Масъуднинг эътиборини ўзига тортди:

«(Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) **яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган (Зотдир). Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни, ёзишни-хатни) ўргатган ўта қарамли Зотдир. У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди**» (Алақ, 1—5, мазмуни).

Ибн Масъуд бу ажиб маънолар устига қурилган мўъжаз оятларга диққат қилар экан, ўзига хос услуби ва ишоралари билан Қуръон илми нақадар таъкидлаётганини илғади. Нодир фаҳми билан бу диннинг улкан мақсадларидан бири, балки аркон ва асосларидан бири илм эканини англади. Илм ҳосил қилиш учун эса, доимо Пайғамбар, алайҳиссалом, билан бирга бўлишни зарур деб билди. Чунки Пайғамбар, алайҳиссалом, бир тарафдан ваҳий қабул қилар, бир тарафдан маънога кон сўзлар дурини сочар эдилар. Пайғамбарнинг, алайҳиссалом, фаолиятларини белгилаган мана шу иккита манба (Қуръон ва суннат) Исломининг асоси ва унинг манбаидир.

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг илмга иштиёқини сезган Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унга йўл очиб, рағбат қилаётган нарсасига етиши учун кенг имкониятлар яратдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан, розийаллоҳу анху, ривоят қилинади: «Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, менга дедилар: «Сен учун уйимнинг эшиги очиқ, то қайтаргунимча яқинларим билан бўлаётган суҳбатларни эшитишга сенга изн бердим» (Муслим ривояти).

Расулуллоҳ, алайҳиссалом, хузурларига бе-

малол кириб-чиқишга изн берилиши ибн Масъуднинг қувончига қувонч қўшди. У энди бутун эътиборини Қуръон ёдлашга, ҳеч бир воситасиз тўғридан-тўғри Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Қуръонни қабул қилишга қаратди. Бу ҳақда ўзи бизга ҳикоя қилади:

«Пайғамбар, алайҳиссалом, билан экинзорда эдик. Расулуллоҳ дарахт новдасига суяниб турган эдилар. Бир пайт ёнимиздан яҳудийлар ўтиб қолди. Бирлари иккинчиларига:

— Ундан (Расулуллоҳдан) руҳ ҳақида сўранглар, — дер эди.

— Нимага энди руҳ ҳақида сўрашимиз керак экан? — дейишса, бошқалари:

— Ўзларингиз хоҳламаётган нарсани у (Расулуллоҳ) сиздан қабул қилармиди? — дерди. Бас, улар Пайғамбардан, алайҳиссалом, руҳ ҳақида сўрадилар. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сукутга чўмдилар, уларга жавоб қайтармадилар. Билдимки, Пайғамбарга, алайҳиссалом, ваҳий келяпти. Жойимда тек қотдим. Ваҳий нозил бўлгач, Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дедилар:

— «(Эй Муҳаммад,) **сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир**» (Ал-Исро, 85, мазмуни).

Ибн Масъуд Пайғамбардан, алайҳиссалом, ёдлаш билангина кифояланмади, ёдлаганларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун Расулуллоҳга ўқиб ҳам берарди. Хато ёдланган жойларни Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қайтадан ёдлатардилар. Бу ҳақда ибн Масъуд дейди: «Фа ҳал мин музаққир», деб Расулуллоҳга, алайҳиссалом, ўқиб бердим. Расулуллоҳ: «**Фа ҳал мин муздаққир**» («Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?!») (Қамар, 15, мазмуни) деб менинг қироатимни тузатдилар.

Дарҳақиқат, ибн Масъуд Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Қуръонни ҳифз қилди, закий қалбида уни сақлади. Қачонки саҳобалардан бирортаси унинг ёдлаганига тузатиш киритмоқчи бўлса, ибн Масъуд дарҳол бу ўриндаги ҳақ жиҳатларни баён қилар эди.

Асвад ибн Йазид Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилади: «Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, менга:

«Қасамки, Биз Куръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб кўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?» (Қамар, 17, мазмуни) деб ўқитдилар. Шунда биттаси: «Эй Абу Абдурахмон, «муддаккир»ми ё «музаккир»ми, деб сўради? «Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, менга «муддаккир» деб ўқитганлар, дедим».

Ибн Масъуд ҳикоя қилади: «Аллоҳга қасамки, Расулulloҳнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам, ўзларидан эшитиб, етмишдан ортиқ сурани ёд олдим. Аллоҳга қасамки, Пайғамбарнинг, алайҳиссалом, саҳобалари Аллоҳнинг китобини билишда мени ўзларининг энг билимдони деб англайдилар, гарчи уларнинг яхшиси бўлмасам-да!»

Шақиқ (Ибн Салма — Абдуллоҳ ибн Масъуднинг катта шогирдларидан бири) деди: «Илмий йиғинларда ўтириб, гапираётганларни тинглардим. Саволларга ибн Масъуддай жавоб қайтарувчини кўрмадим».

Шарафли талаб

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: «Расулulloҳ мендан Куръон ўқишимни сўрадилар. Мен шунда:

— Ахир, Куръон нозил қилинган сиздай зотга ҳам Куръон ўқиб берайми? — дедим. Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам:

— Куръон қироатини ўзимдан бошқа кишидан эшитишни хоҳлаяпман, — дедилар. Мен Нисо сурасидан то «(Эй Мухаммад), биз ҳар бир умматдан (ўша умматнинг пайғамбарини) гувоҳ келтирганимизда ва Сизни ана уларга қарши гувоҳ қилганимизда уларнинг ҳоли не кечур?» деган оятгача ўқидим. Кейин Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, менга:

— Кифоя (бошқа бир ривоятда «тўхта»), — дедилар. Мен ўшанда Пайғамбарнинг, алайҳиссалом, кўзларидан ёш оқаётганини кўрдим».

Бу манзара бир томондан, ўзларига изма-из юришни ўргатган, ўзларининг мадрасаларидан чиққан шогирднинг қироатини тинглаётган зотнинг шикастанафелигини кўрсатса, бошқа томондан, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Куръон қироатидаги мусаффо, таъсирчан савти бежиз саҳобалар эътиборини тортмаганини намоеъ этади.

Ҳадис ёдлаб, уларни қабул қилиши

Абдуллоҳ ибн Масъуд Куръони каримга бутун эътиборини қаратиши ва унга қаттиқ берилиши билан бирга, Пайғамбар, алайҳиссалом, оғзиларидан чиқаётган тошқин булоқ каби сўзларни ҳам зийраклик билан қабул қиларди. Чунки Сарвари олам фақат ҳақ сўзни гапирардилар, фақат рост сўзни айтардилар.

Ибн Масъуд кўп ҳаётини Пайғамбардан, алайҳиссалом, Куръон ёдлаш ва ҳадислар магзини чақиб, уларни ўрганишга сарфлади. Ҳалол ва ҳаром, амру наҳийлар, амалларнинг фази-

лати ва гуноҳи кабиралар, Ислом шариатининг йўл-йўриқлари хусусида сўрарди ва жавобларни зийрак ва хушёр қалбида сақлаб қолар эди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд бир куни фазилатлар ва гўзал хислатлар ҳақида Расулulloҳдан, соллalloҳу алайҳи ва саллам, сўраганини ҳикоя қилади:

«— Эй Расулulloҳ, амалларнинг қайсиси энг афзалдир?»

— Ўз вақтида ўқилган намоз, — дедилар Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам.

— Кейин қайси?

— Ота-онага яхшилик қилиш...

Кейин мен сўрашдан тўхтадим. Агар яна савол берсам, Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, жавоб бераверар эдилар».

Бир гал ибн Масъуд зулм хусусида сўраганини айтади:

«— Эй Расулulloҳ, энг катта зулм қайси? — деб сўрадим. Расулulloҳ дедилар:

— Биродарининг ҳаққини қисқартириш ҳисобига олинган бир зироъ ер. Қиёмат кунда бу ернинг ҳар майда кесаги то ернинг қаъригача унинг бўйнига тавқ бўлиб ўралади. Ернинг қаъри қаерда эканини яратган Зотдан ўзга ҳеч ким билмайди».

Гуноҳи кабиралар ҳақида сўраганини айтади:

— Эй Расулulloҳ, энг катта гуноҳ нима? — дедим.

— Сени яратган зотга — Аллоҳга ўзгани тенг қилишинг.

— Кейин қайси?

— Оғир аҳволга (қашшоқликка) тушиб қолишдан кўрқиб, болангни ўлдиришинг.

— Кейин-чи?

— Кўшнингнинг аёли билан зино қилишинг, — дедилар Расулulloҳ».

Аллоҳ ўз пайғамбарининг сўзини тасдиқ этиб, оят нозил қилди: «Улар Аллоҳ билан бирга бош-қа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар» (Фурқон, 68, мазмуни).

Кечасию кундузи ҳамроҳ

Имрон ибн Ҳусайн Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилади:

«Бир кечаси Пайғамбар, алайҳиссалом, ҳузурларида узоқ қолиб кетдик. Сўнгра эртасига яна у кишининг олдиларига бордик. Расулulloҳ дедилар: «Пайғамбар ва уларнинг тобелари ўз жамоаси билан менга кўрсатилди. Бир пайғамбар бир гуруҳ уммати билан, бир пайғамбар уч нафар уммати билан, яна бир пайғамбар танҳо ўзи ёнимдан ўтди. (Бу ҳадисни ривоят қилган санал кишиларидан бири Қатода ушбу оятни ўқиди: «Орангизда бирон тўғри йўлга юргувчи киши йўқми?» (Ҳуд, 78, мазмуни)). Ёнимдан Бани Исроилдан иборат жамоат ичида Мусо ибн Имрон ўтди.

— Парвардигоро, ким бу? — деб сўрадим.

– Биродаринг Мусо ибн Имрон ва у билан бирга Бани Исроил кишилари.

– Умматим қаерда? – дедим.

– Ўнг тарафга, тепаликка қара. – Қарадим: у ерда кишиларнинг чеҳралари кўринди. – Розимисан?!

– Розиман, эй Раббим, – дедим.

– Чап тарафга, уфққа қара. – Уфқда кишиларнинг чеҳралари кўринди. – Розимисан?!

– Розиман, эй Раббим, – дедим. Улар савол-жавобсиз жаннатга кираётган етмиш минг жаннатий эди.

Асад жамоасидан Уккоша ибн Миҳсан (Саъиднинг айтишича, Уккоша Бадр жангида қатнашган) ўрнидан туриб:

– Эй Расулulloҳ! Аллоҳ таолодан илтижо қилинг, мени ўшалар тоифасидан қилсин, – деди. Жаноби Расулulloҳ:

– Ё Парвардигоро, уни шу тоифага мансуб эт, – деб дуо қилдилар.

Кейин яна бир киши туриб:

– Ё Расулulloҳ, Парвардигордан сўранг, мени ҳам шулар тоифасидан қилсин, – деди. Пайғамбар, алайҳиссалом, шунда:

– Уккоша сендан илдамлик қилди, – дедилар. – Ота-онам сизларга фидо бўлсин, агар мана шу етмишлар тоифасидан бўлмоққа қодир экансиз, бас, ҳаракат қилинглар. Ёхуд, ўнг тарафдаги тепалик эгаларидан бири бўлишга интилинглар, ё уфқда кўринган кишилардан бири бўлинглар. Уларнинг атрофини жуда катта оломон қуршаб олган эди. Умид қиламанки, сизлар жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлурсизлар. (Биз «Аллоҳу акбар» дедик.) Умид қиламанки, сизлар жаннат аҳлининг учдан бири бўлурсизлар. (Биз «Аллоҳу акбар» дедик.) Умид қиламанки, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўлурсизлар». (Биз «Аллоҳу акбар» дедик.)

Сўнгра Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ушбу оятни ўқидилар (*мазмун*):

«(Ўнг томон эгалари бўлмиш саодатманд кишилар) **аввалги** (уммат)лардан ҳам **кўпчилик**, **кейингилардан** (яъни, Муҳаммад, алайҳиссалом, умматларидан) ҳам **кўпчиликдир**» (*Воқеа, 32–40*)

Биз ўзаро «У етмиштаси кимлар экан?» деб баҳслашиб қолдик ва ўзимизча дедик: «Улар шундай кишиларки, ислоний хилқатда тугилиб, ширқдан йироқ бўлганлар». Бу сўзларимиз Расулulloҳга етиб боргач, дедилар: «Улар шундай кишиларки, ярага қиздириб тамга босмайдилар, «куф-куф» қилиб ирим-сиримга берилмайдилар, балки Парвардигорга таваккул қиладилар».

Намозларда биргалик

Ибн Масъуд Пайғамбар, алайҳиссалом, билан намоз ўқир экан, бутун эътиборини намозни қандай ўқишга, намознинг фарзлари ва суннатларини билишга, намозга қандай киришиш ва қандай чиқиш лозимлигини ўрганиш-

га қаратарди. Унинг намоз ҳақида келтирган ҳадисларини кузатган киши бу эътибордан воқиф бўлади.

Насоий ўз санади билан Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилади. Ибн Масъуд айтди: «Биз ҳар иккинчи ракатда (қаъдада) нима қилишни билмас эдик. Фақат тасбеҳ, такбир ва Парвардигоримизга ҳамд айтардик. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дедилар:

– Ҳар иккинчи ракатда қаъдада ўтирганларингизда: «Ат-таҳиййату лиллаҳи вас-солавату ват-тоййибат. Ассаламу ғалайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ассаламу ғалайна ва ғала ғабдиллаҳис-солиҳийн. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ», денглар».

Имоми Аҳмад ўз санади билан Ибн Масъуддан ривоят қилади. Ибн Масъуд айтди: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, худди Қуръон сураларини ўргатаётгандай кафтимни кафтларига олиб «ташаҳҳуд»ни ўргатдилар».

Бир рукндан бошқа рукнга ўтаётган пайтда айтиладиган такбирлар хусусида Абдуллоҳ ибн Масъуд дейди: «Мен Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, (руку ва саждага) эгилганда ва кўтарилганда, қиёмда, қаъдада такбир айтганларини ва оқ юзларини (орқадаги намозхонларга) кўрингунча буриб, ўнг ва сўл томонларга салом берганларини кўрдим. Абу Бакр ва Умар ҳам шундай қилишар эди».

Пайғамбарнинг, алайҳиссалом, намоз саломида айтган сўзлари ибн Масъуддан ривоят қилинади: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ» деб ўнг ёноқлари кўрингунча ўнг томонга юзларини буриб салом берардилар ва «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ» деб чап ёноқлари кўрингунча чап тарафга юзларини буриб салом берардилар».

Пайғамбарнинг, алайҳиссалом, намоздан сўнг намозхонларга ўгирилиб қарашлари хусусида ибн Масъуд ривоят қилиб, дейди: «Ҳеч қайсингиз ўзингизча, фақат ўнг томон билан ўгирилмоқ лозим, деб айтиб, шайтонга намозингиздан насиба улашмангиз! Мен Расулulloҳнинг чап томонлари билан (ҳам) ўгирилганларини кўп кўрганман».

Бир гал Пайғамбар, алайҳиссалом, намозни саҳв билан адо қилганларини Ибн Масъуд нақл қилади: «Пайғамбар, алайҳиссалом, намознинг ракатида адашдилар. (Ракатлар кўп ёки оз ўқилганида ровийлар ўртасида ихтилоф бор.) «Расулulloҳ, намозда бирон янгилик бўлдими?» дейилди. «Нима бўлди?» дедилар Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Фалон-фалон қилиб ўқидингиз», дейишди. Шунда Расулulloҳ қиблага қараб, икки марта сажда қилдилар, сўнг салом бердилар. Кейин бизга юзланиб, дедилар: «Агар намозда мен сизларга ўргат-

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

ИСЛОМ ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ДИНИ

«Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзудаги
илмий-амалий анжуманда сўзланган нутқ



Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Инсон дунёнинг азизу мукаррам хилқати, мавжудотлар ичра сарваридир. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай баён қилинади: «Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азизу мукаррам этиб яратдик ва уларни қуруқлик ва денгизда юрадиган қилиб, уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик» (Ал-Исро, 70, мазмуни).

Маълумки, ҳозирги замон киши олдида кўндаланг бўлиб турган улкан ва долзарб муаммолар орасида моҳият-эътибори билан энг аҳамиятлиси тинчлик-осойишталикдир. Тинчлик Аллоҳ таолонинг улугъ неъматидир. Ер юзида тинч ҳаётни сақлаш ҳар бир кишининг ва бутун инсониятнинг олий даражадаги муҳим вазифаси бўлмоғи даркор.

Диёримиз мусулмонлари Қуръони карим, ҳадиси шариф, ота-бобларимиз амал қилиб келган Имоми Аъзам мазҳаби

кўрсатмаларига риоя этиб, жаҳондаги барча илғор халқлар каби юксак тараққиёт, фаровон ҳаётга интилиб, ҳам диний, ҳам дунёвий билимлардан баҳра олган ҳолда олижаноб мақсадларни кўзлаб яшамоқда.

Бизнинг диёримиз қадим-қадимдан бутун дунёга Ислом нури таратиб келган олиму уламолар юртидир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби динимиз асосларидан таълим бериб кетган буюк зотлар бизнинг заминимизда туғилиб, уларнинг муборак хоклари шу тупроқда мангу ором топган.

Тинчликни сақлаш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Қуръони каримда: «Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг!» дейилган. Бу ояти каримадан шу нарса маълум бўладики, эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзида тинчликнинг барқарор бўлишида бош омилдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифларида: «Тинчлик ва хотиржамлик икки улугъ

неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар», дейилган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг улугъ неъматидир бўлмиш тинчликдан баҳрамандлик ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермайди. Чунки дунёнинг турли бурчакларида ёвузликлар, ноҳақ қон тўкишлар бугунги кунда манфур кимсалар, халқаро террорчилар томонидан содир этилмоқда.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейди доно халқимиз. Шу маънода ҳамюртларимиз халқаро терроризм нима эканини жуда яхши билади.

Шу ўринда Президентимизнинг халқаро терроризм тинчликнинг кушандаси, инсоният бошига тушган қулфат эканлиги, бундай жирканч иллатга қарши биргаликда курашиш лозимлиги ҳақида кейинги йиллар давомида қайта-қайта таъкидлаб келганларини эслаш жоиздир. Ниҳоятда ҳушёр ва сергак туриб барчамизни огоҳликка чорлаб турган давлатимиз раҳбарининг бундай эзгу ишларини доимо кўллаб-қувватлашимиз керак.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ибн Масъуднинг намозини тузатиш

Абдуллоҳ ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, дейди: «Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, намозда чап қўлимни ўнг қўлим устига қўйиб турганимни кўриб, ўнг қўлимни чап қўлим устига қўйиб қўйдилар».

Рашид ЗОҲИД
таржимаси

ган бирон нарсада адашсам, эслатинглар! Мен ҳам бандаман, сизлар унутган каби унутаман. Агар намоз ўқиётиб, кўнглингизда неча ракат ўқиганингиз хусусида шак пайдо бўлса, таҳминингиз қайси тарафга кўпроқ бўлса, шунга амал қилинг. Кейин икки марта сажда қилинг».

Кузатишлардан маълум бўладики, Ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, барча намозларда Пайғамбарга эргашди, у Зотдан намознинг фарзлари, суннатлари, вожиблари ва намозга тегишли ҳамма масалаларни ўрганди.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Брюно Мецю — мусулмон

Сенегал терма жамоасининг мураббийи франсуз Брюно Мецю футбол бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки кунлари мусулмон бўлганини эълон қилди.

Мисрлик машҳур футболчи Муҳаммад ал-Хатиб 2 июн куни Миср телевиденияси орқали сўзга чиқиб, Франция — Сенегал учрашуви тугаши биланоқ Мецю Исломга кирганини эълон қилганини айтди. Мисрлик футбол шарҳловчиси Ибод ал-Қайс Мецю сенегаллик рафиқаси орқали Ислом дини билан танишганини, лекин бу ҳақда айтишга қулай фурсат тополмай юрганини қайд этади.



Франсия

ҳукуматининг аъзоси

Токия Сайфи (жазоирлик франсуз) франсуз ҳукумати аъзолигига қабул қилинди. Қирқ икки ёшли бу аёлнинг қабулини ҳукумат таҳлилчилари «Франсия франсузлар учун» шиори остида ҳаракат қилувчи ва чет элликлар билан мурасисиз Миллий фронт раҳбари Жан Мари Ле Пенга жиддий зарба деб баҳоладилар.

Токия Сайфи болалар учун мўлжалланган бир қанча ижтимоий дастурларнинг муаллифидир.

1990 ва 1998 йилларда Токия умуминсоний қадриятларни тиклаш бўйича ўтказилган Ислом-христиан форумининг ташкилотчиларидан бўлган эди. У 2002 йилнинг январиди 90 ёшида ҳаётдан кўз юмган Кафиса Сайид Қорадан кейин ҳукумат аъзоси лавозимини эгаллаган иккинчи мусулмон аёлдир.

Кашандаликка

қарши

Амриқо ва Оврупада кашандалик даражаси пастлаётган бир пайтда, айрим араб давлатларида тамаки чекувчилар сони ортиб бораётир. Араб шифокорларининг фикрича, бу ҳолни тамаки ясовчи компанияларнинг ўз маҳсулотларини араб-мусулмон оламида сотиш учун янги бозорлар очишга интилишлари билан изоҳлаш мумкин.

Миср тиббиёт тармоғи мудирини доктор Химди ас-Сайид айтишича, ҳозирги кунда мамлакатда етмиш тўрт минг ўсмир чекади. Сўнги маълумотларга кўра, Мисрда тамаки маҳсулотлари истеъмолчиларининг сони ўн икки милёнга боради.

Олимлар тамаки чекишнинг инсон соғлиғига зарари катта бўлгани учун уни ҳаром, шариатда ман этилган иш деб баҳолашмоқда.

Ислом давлатларида кашандаликнинг зарари таъсирини тушунтириш бўйича оммавий тадбирлар ўтказилляпти. Ўтган йилдан бошлаб, Макка ва Мадина шаҳарлари «тамаки чекилмайди» деб эълон қилинди. Мисрда тамакини реклама қилишни тақиқлашга уришлар бўлмоқда. Мамлакатдаги эллик уч минг масжидда Миср муфтийининг тамаки чекишни ман этувчи маҳсус фатвоси тарқатилди.

Свердловск

вилоятида янги

масжид

Екатеринбургдан 20 чақирим узоқликда жойлашган Юқори Пишмада янги масжиднинг очилиш маросими бўлди, деб хабар қилади вилоят мусулмонлар диний кўмитасининг раиси, муфтий Сигбатулла Сайдуллин. Маросимда дин пешволари, вилоят раҳбарияти вакиллари иштирок этишди.

Етти юз намозхонга мўлжалланган ушбу масжиднинг қурилиши бир йил олдин бошланган эди. Свердловск вилояти мис эритиш комбинатининг бош директори Андрей Козицин ва тадбиркор Искандар Маҳмудовларнинг моддий ёрдамлари билан қурилиш ниҳоясига етди.

Иврит тилида

эшиттириш

IRNA хабарига кўра, Эрон радиоси ахборот уза-тишдаги бирёқламаликка қарши иврит тилида «Довуд овози» номли кундалик хабарларни эфирга уза-та бошлади. Эрон радиоси раҳбарларидан бири қайд этишича, бу радиоэшиттиришнинг асосий мақсади «Яқин Шарқ аҳолисига ҳаққоний тафсилотларни етказишдан иборатбир...»

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



ҚУСУРЛАРИМИЗНИ ЎНГЛАЙЛИК

? Баъзан масжидларда жамоат намози тугаганидан сўнг, гарчи кечикиб келганлар ҳали намоз ўқиётган бўлсалар-да, уларга юзланган ҳолда дуо қилинади.

! Бу ҳол макруҳдир. Намоз ўқиётган кишига, у қайси сафда бўлса-да, юзланиб ўтириш макруҳ бўлади («*Раддул мухтор*»).

? Қиёмдан саждага боришда кўплар рукуга ўхшатиб, олдинга эгилиб сўнг сажда қилишади.

! Бу ҳол хатодир. Бир ракатда икки бор руку қилиш бўлиб, саждаи саҳвни лозим қилади. Аслида тиззалар ерга теккунча тик тушиб, сўнг саждага бориш керак («*Раддул мухтор*»).

? Жаноза намозини оёқ кийимида ўқиш кўпчиликка бир одат бўлиб қолди...

! Оёқ кийимининг тозалигига тўла ишонч бўлгандагина ечмасдан жаноза намозини ўқиса бўлади. Аммо оёқ кийими билан ҳар жойларга, жумладан, хожатхонага ҳам кирилади. Шунинг учун кўп ҳолларда у тоза бўлмайди. Тоза жойда, тоза кийимда намоз ўқиш шартлигидан пойафзални ечиб, унинг тоза устки юза қисмини босиб жаноза намозини ўқиш керак («*Ҳадиятус-саълук*»).

? Жаноза намози ўқилиши билан ҳамма тобутни кўтаришга шошади ва кўпчилик уни турнақатор бўлиб кўтаради.

! Бу ҳол суннатга хилофдир. Суннат бўйича тобутни тўрт дастагидан тўрт киши алмашиб кўтариши керак.

? Баъзилар саждага боришдан олдин шимининг пойчаларини бир

кўтариб олишади. Ёки саждадан тик бўлишда чопон ё яктагининг этакларини тўғри-лаб, кейин қўлларини боғлайди.

! Бундай қилиш макруҳдир. Агар бундай иш бир рукнда уч бора такрор қилинса, намоз бузилади («*Раддул мухтор*»).

? Кўпчилик намозхонлар таҳорат олдидан тайёргарлик кўришмайди. Масалан, оёқларни ювиш навбати келгандагина пайпоқларини ечишади. Бир оёқдаги пайпоқ ечилиб, оёқ ювилгач, яна пайпоқни кийиб, сўнгра иккинчи оёқнинг пайпоғи ечилади ва ювилади. Баъзилар ўртада бир артини олиб, сўнгра оёқни ювишга киришадилар.

! Бундай қилиш макруҳ. Таҳоратга тегишли амаллар орасига бошқа амалларни қўшиш суннатга хилофдир. Суннатга кўра таҳорат амаллари орасига бегона амал кирмаслиги керак («*Ҳазонатул-фиқҳ*»).

? Кўп ҳолларда таом ейилган идишлар тозаланмасдан ёки бир-икки қошиқ овқати билан дастурхонда, пала-партиш қолдирилади ва шу ҳолича тўкиб, ювиб ташланади.

! Бундай қилиш исрофдир. Исроф эса ҳаромдир. Коса ва лаганлардаги овқат юқини ялаб қўйиш эса Пайғамбаримизнинг, солаллоҳу алайҳи ва саллам, суннатлари, мўминларга тавсияларидир.

ЭНГ УЛУҒ ОЯТ

Куръони карим оятларининг улуғлиги, азаматлиги шундаки, уларни ҳар вақт тиловат қилганимизда янгидан-янги қирралари, жилолари, илоҳий нурлари намоён бўлаверади. Мўътабар тафсирларни мутолаа қилсак, фикримиз ойдинлашиб, руҳимиз юксалади. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Убай ибн Каъбдан сўрадилар:

— Аллоҳнинг китобидаги энг улуғ оят қайси?

— Аллоҳ ва унинг Расули билгувчироқ, — деди у.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ушбу саволни бир неча бор такрорлаганларидан сўнг:

— Оятал курси, — деди.

Шунда Расули Акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унга: — Илм муборак бўлсин, эй Або Мунзир, — дедилар.

Убай ибн Каъбнинг оталари айтади: «Менда бир идиш тўла хурмо бор эди. Қарасам, камайиб қолибди. Ухламай, пойлашга тушдим. Бир пайт болага ўхшаш махлуқ пайдо бўлди. Унга салом бердим, у саломга жавоб қайтарди. Мен:

— Кимсан, жинмисан, одаммисан? — деб сўрадим.

— Жинман, — деди.

— Қўлингни бер, — дедим. Қўлини берди. Унинг қўли юнгли итнинг оёғи эди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деди.

— Сени садақа қиладиган яхши киши деб эшитдик. Таомингдан насиба олишга келдим, — дедим.

Шунда мен:

— Сизлардан бизни нима сақлайди? — дедим.

— Оятал курси, — деди.

Эртаси эрталаб Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳузурларига бориб бу ҳақда хабар бердим.

— Хобис (ярамас) тўғри сўзлабди, — дедилар.

Оятал курсини уйқуга ётиш олдидан ўқисак, Аллоҳ тарафидан бир ҳимоячи бўлиб, эрталабгача бизни шайтондан қўриқлар экан.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оятал курси ўқилган уйдан шайтон чиқиб кетади. Ким фарз намозларидан кейин Оятал курсини ўқиса, унинг жаннатга киришига ўлимдан бошқа нарса тўсқинлик қила олмайди», деганлар.

Энди бевосита оятнинг шарҳига ўтсак. Бу улуғ оят мустақил маъно англатувчи ўнта жумладан иборатдир.

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ

1. «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» — тавҳид калимаси Аллоҳнинг бирлигини, яққаю ёғоналигини таъкидлайди. Бу эса ҳар бир мўмин ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиши, ундангина ёрдам сўраши зарурлигини билдиради.

الْحَيُّ الْقَيُّومُ

2. «У доимо тирик ва абадийдир». Барча нарсалар ўлим шарбатини тотади. Яъни, вақти-соати келиб ҳамма нарса ўлади, тирик қолмайди. Абадий қолгувчи фақат Аллоҳдир.

لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ

3. «Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди».

Аллоҳни ҳеч қачон гафлат босмайди, ҳеч нарса назаридан четда қолмайди. У зотдан ҳеч нарса махфий эмас.

Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, бани Исроил Мусо алайҳиссаломдан: «Раббинг ухлайдими?» деб сўраганида, «Аллоҳдан кўрқинглар!» дедилар. Шунда Аллоҳ таоло Мусога: «Сендан, Раббинг ухлайдими, деб сўрадилар. Икки шиша

идишни тун бўйи қўлингга тутиб тур», деб ваҳий қилди. Туннинг учдан бири ўтганида мудраб, қўлларидаги идиш тиззаларига тушганда ўзларини ўнглаб олдилар. Туннинг охирида эса яна мудрадилар. Икки идиш ҳам ерга тушиб синди. Шунда Аллоҳ таолодан: «Эй Мусо, агар мен ухлаганимда, осмонлару ер ҳам ушбу идишлар каби ҳалокатга учраган бўларди».

لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

4. «Самоват ва ердаги бор нарсалар Уникидир».

Биз идрок қилган ва қила олмаган бу коинотдаги барча нарсалар, жумладан, биз ҳам Аллоҳникимиз.

مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ

5. «Унинг ҳузурда ҳеч ким (бировни) унинг изнисиз оқлай олмайди».

Аллоҳнинг руҳсатисиз, изнисиз ҳеч бир инсон шафоат қилиш имконига эга бўла олмайди. Аллоҳ рози бўлган зотларгина шафоатчи мақомига эришадилар. Ҳамда Аллоҳ рози бўлганлар шафоат қилинадилар.

يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ

6. «(Аллоҳ) уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсаларни билади».

Бу Аллоҳнинг билими бутун борлиқни қамраб олганлигига, уларнинг ўтмишини, ҳозирини, келажагини ҳам билишига далилдир.

وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ

عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ

7. «Ва улар У зотнинг илмидан фақат ўзи истаган нарсаларнигина биладилар».

Инсонлар Аллоҳ уларга қандай ва қанча илм билдиришни ирода қилган бўлса, шунигина биладилар. Аллоҳ фаришта-

ларга: «Одам алайҳиссаломга ўргатган илми айтиб беринглар», деганида фаришталар: «Эй Раббимиз, бизда илм йўқ. Сен билдирган нарсаларнигина биламиз», дейишди. Бир доғишманднинг: «Мен билмаган илм қолмади, лекин қарасам, ҳеч нарсани билмас эканман», дегани жуда ибратлидир.

وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ

8. «Унинг курсиси осмонлар ва ердан кенгдир».

Муфассирлар бу ўринда «курси»ни Аллоҳнинг илми деб тафсир қилишган. Яъни, Аллоҳнинг илми бутун борлиқдан кенг деган маънода.

وَلَا يَؤُودُهُ حِفْظُهُمَا

9. «Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди».

Нафақат осмонлар ва ер, улардаги инсонлару ҳайвонотлару ўсимликлару осмонлару ернинг орасидаги барча нарса-

ларни сақлаб туриш Аллоҳга асло қийин эмас. Аллоҳ истаган нарсасини қилишга қодир. У Зот қилган ишидан сўралмайди, балки одамлар сўраладилар.

Ибн Кутайба ривоят қилади:

«Бани Каъб қабиласидан бир киши менга сўзлаб берди. «Мен Басра шаҳрига хурмо сотиш учун келдим. Туришга манзил топа олмадим. Ўргимчаклар ин қуриб ташлаган, қаровсиз бир ҳовлини топдим.

— Бу қандай ҳовли, ижарага қўясизми? — деб эгасидан сўрадим.

— Эҳтиёт бўл, бу ерни Ифрит деган жин манзил қилиб олган. Яқин келган одамни ўлдиради, — деди эгаси.

— Мени ижарага қўйинг-да, уни менга қўйиб беринг. Ундан мени Аллоҳнинг ўзи асрайди.

— Билганингни қил, — деди.

Мен шу ҳовлида қолдим. Кечаси олдимга бир қора шарпа кириб келди. Унинг икки кўзи олов шуъласига ўхшарди. Ўзи қоп-қора. Менга яқин кела

бошлади. Мен «Оятал курси»ни охиригача ўқидим. У ҳам сўзма-сўз қайтараверди. Аллоҳ таолонинг:

«Ва ла яъудуху ҳифзу ҳума ва хувал алиййул аъзим» сўзига келганимда, у жим қолди. Мен бу жумлаларни бир неча марта қайтардим. Қора шарпа кетиб қолди. Ҳовлининг бир чеккасига бориб ухладим. Тонг отгач, жинни кўрган жойимда бир ёнган асорат ва кулни кўрдим. Шунда қандайдир бир овоз келганини эшитдим:

— Улкан Ифритни куйдиридинг.

— Қандай қилиб?

— Аллоҳ таолонинг: «Ва ла яъудуху ҳифзу ҳума ва хувал алиййул аъзим» сўзи билан.

وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

10. «У энг юксак ва буюқдир».

Юксаклик ва буюқлик Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога хосдир.

Абдулқаййум ҲИКМАТ

тайёрлади

Мулоҳоза

ҚИРҚОҒАЙНИ БЕХОСИЯТМИ?

Исломдаги қирқта фарзнинг биттаси амри маъруф. Амри маъруф қилгувчиларнинг баъзан наҳйи мункарни бутунлай унутиб қўйишлари мени ажаблантиради. Негадир улар кўпинча яхши хулқли бўлиш, ота-онани рози қилиш мавзуларидан нарига ўтишмайди. Бу ҳам керак, албатта. Лекин динимиз ғояси фақат шундан иборатми?

Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадисларида қайд қилинган яхши хулқларни санаб чиқсам, қирқтага етди. Шариатимиз манъ этган ёмон хулқлар ҳам қирқтадан ошди. Одамларни яхши хулқларга даъват қилиш баробарида ёмон хулқлардан, гуноҳ ишлардан қайтариш амри маъруф ва наҳйи мункар қилувчиларнинг вазифаси эмасми?

Менимча, шундай бирёқлама иш кўриш оқибатида Исломнинг асосий ғоялари четда қолиб, халқимиз, айниқса, хотин-қизлар орасида

ҳар хил хурофот амаллар ёйилмоқда. Янгилари пайдо бўлиб, Ислом ғояларига зид тавсия ва тушунчалар ҳаётимизга кириб келяпти. Масалан, «Азада чопон кийиб бел боғлаш катта гуноҳ»; «Жийда дарахти, қирқоғайни гули бехосиятдир»; «Иморатнинг деразаларини кўчага қаратиб қуриш дуруст эмас», каби «холис маслаҳатлар»ни эшитмоқдамиз. Бу менга мутаассибликнинг аломатлари бўлиб кўринади.

Ўтган асрларда халқимиз урф-одатларига аралашиб қолган баъзи хурофотлар ва ҳар турли янгича мутаассиблик таъсирларидан воз кечиб, динимизнинг софлигини, илғорлигини ва тараққийпарварлигини сақлаб қолиш бугунги энг муҳим вазифадир.

Восилжон ЮСУПОВ,

меҳнат фахрийси



МУМИННИНГ МЕЪРОЖИ

Ҳар бир мусулмон бир кеча-кундузда беш вақт — бомдодда, пешинда, асрда, шомда ва хуфтонда намоз ўқиши керак. Бомдодда икки ракат суннат, икки ракат фарз намози ўқилади. Пешинда тўрт ракат суннат намози, тўрт ракат фарз намози ва икки ракат суннат намози ўқилади. Асрда тўрт ракат фарз ўқилади. Шомда уч ракат фарз намози ва икки ракат суннат намози ўқилади. Хуфтонда тўрт ракат фарз намози, икки ракат суннат ва уч ракат (витр) вожиб намози ўқилади.

Икки ракатли фарз, суннат ва нафл намозлари бир хил тартибда ўқилади. Улар фақат ният билан фарқланади. Аммо вожиб (витр, ийд) намозларини ўқиш тартиби сал бошқача. Бу хусусда алоҳида баён этилади.

Намоз ўқимоқчи бўлган киши намоз ўқиш учун қўйилган шартларни бажариши керак. Яъни, бадани ва кийимини поклаши, пок жойда туриши, қиблага юзланиши ва ўқимоқчи бўлган намозига ният қилиши керак. Киши ўқимоқчи бўлган намозига ният қилиб «Аллоҳу акбар» деб такбири таҳрима айтгач, намозга кирган ҳисобланади ва намоз амалларидан бошқа амалларни қилиши мумкин бўлмайди.

Такбири таҳримани қиёмда тик туриб айтади. Такбири таҳрима айтишда қўлларни кўтариш суннатдир. Бу амал шундай бажарилади: такбири таҳрима айтишни бошлаш билан қўл бармоқларини ўз ҳолича, кафт ичини қиблага қилиб кўтаради ва такбири таҳриманинг «р» товушини айтганда бош бармоқларини қулоқлари юмшоғига текказади. Бунда бошни эгмаслик керак. Такбири таҳрима айтишда қўлларни енгдан чиқариш суннатдир.

Такбири таҳрима айтиш миқдорича туришга қодир бемор фарз ва вожиб намозларга ўтириб такбири таҳрима айтса дуруст бўлмайди. Ният ва такбири

Ўн бешинчи сабоқ НАМОЗ ЎҚИШ ТАРТИБИ


таҳрима ўртасига ҳеч нарса қўшилмаслиги керак. Намозга ният қилиш билан такбири таҳрима айтиш лозим.

Жамоат намозига имомга иқтидо қилганлар барча интиқол (намозда бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтиш) такбирлари каби такбири таҳримани ҳам имомдан сўнг айтишлари керак. Бундаги мезон: Имом «Аллоҳу акбар»нинг «р» товушини айтиши билан, иқтидо қилганлар «Аллоҳу акбар»нинг илк «а» товушини бошлашлари керак. Имомдан олдин такбири таҳрима айтган киши намозга кирган бўлмайди. Такбири таҳриманинг «Аллоҳ» лафзидаги «а» товушини ва «акбар» лафзидаги иккинчи «а» товушини чўзиб айтган киши ҳам намозга кирган бўлмайди. Интиқол такбирларини шу тарзда айтса, намози бузилади.

Аёллар қўл бармоқларининг учларини елкалари баробар кўтарадилар. Қўлларини енгларидан чиқармайдилар.

Такбири таҳримани айтгач, қўлларни боғлаб, эр киши киндик остида, аёл киши сийнаси устида тутати (қўлларни боғлаш тартиби ўтган сабоқда айтилди). Ва сано ўқийди: «**Субҳанакаллоҳума ва биҳамдика ва таборакасмука ва таъоло жаддука ва ла илаҳа ғойрук**». Санодан сўнг тааввуз («Аъзу...») ва тасмия («Бисмиллаҳи...») айтилади. (Бу учаласи намозда доимо ичда ўқилади). Тасмиядан сўнг Фотиҳа сурасини ўқийди ва уни тугатгач ичида «Омийн» дейди. Ва тасмия айтмай яна бир сура ўқийди. Сурани ўқиб бўлиши билан «Аллоҳу акбар» деб руку қилади. «Аллоҳ» лафзининг «а» товушини тик турганда айтиб, «акбар» лафзининг «р» товушини айтганда тўла руку ҳолида бўлиш керак.

Жамоат билан ўқилган намозда имомга иқтидо қилган киши имом овоз чиқармай ўқийдиган бўлса, фақат сано ўқийди.



Фотиҳа ва унга қўшиб сура ўқиймайди. Овоз чиқариб ўқиладиган намозда имом Фотиҳа сурасини тугатгач, эргашувчилар ичида «Омийн» дейди. Жамоат намозига бир неча ракатдан сўнг қўшилган киши қолдирган ракатини ўқишга турганида сано ўқийди тааввуз ва тасмия айтади.

Рукуда камида уч бор тасбеҳ айтади: «Субҳана роббиял аъзим» дейди. Тасбеҳни беш, етти марта айтса ҳам бўлади. Аммо имом уч мартадан ошиқ тасбеҳ айтмаслиги керак.

Рукуда уч бор тасбеҳ айтиб бўлгач, «тасмеъ» айтиб, («Самиъаллоҳу лиман ҳамидах») деб, қавма ҳолига, — тик туришга қайтади. Бу тик туришда, қавмада, қўлларни боғламайди, ёнда тутати. Тасмеънинг «с» товушини руку ҳолида бошлаб, «дах» товушларини айтганида тик, қавма ҳолида бўлиши керак. Қавмага келгач «тахмид» айтади, — «Раббана лакал ҳамд» дейди.

Жамоат намозига имом фақат тасмеъ айтади, унга иқтидо қилганлар эса «тахмид» айтишади, холос. Сўнг «Аллоҳу акбар» деб саждага боради. «Аллоҳ» лафзининг «а» товушини қавмада бошлаб «акбар» лафзининг «р» товушини айтганида сажда ҳолида бўлиши керак.

Саждага ерга тик ҳолда тушиб бориш лозим. Яъни, тиззаларни букиб, ерга тик тушиб, тиззалар ерга теккандан сўнг икки қўлни, бурунни ва пешонани айтилган тартибда ерга қўяди. Аввал белни эгиб, сўнг тиззани букиб саждага бориш нотўғридир. Сажда ҳолати ҳам олдинги сабоқда баён этилган. Саждада камида уч бор тасбеҳ айтади: «Субҳана роббиял аъла» дейди. Бу тасбеҳни ҳам намозни ёлғиз ўқиган киши беш, етти марта айтса бўлади.

Тасбеҳ айтиб бўлгач, «Аллоҳу акбар» деб ўтиради, қаъда ҳолида бўлади. «Аллоҳ» лафзининг «а»

Бир саволим бор

Ассалому алайкум! Намоз ўқиш қоидаларига оид ушбу саволларга жавоб берсангиз.

Жўрабек ФАЙЗИЕВ,
Ғалаборол

1. Сажда қилаётганда оёқларнинг панжаларини ердан кўтарса, намозга халал етадими?

Жавоб. Сажда ҳолида иккала оёқларининг ҳам панжаларини ердан кўтарган кишининг намози бузилади ("Ҳидоя").

2. Жамоат намозиди қаъдада ташаҳхуд ўқимай ухлаб қолган киши имом билан қўшилиб салом берадими?

Жавоб. Йўқ. У уйғонгач, ташаҳхуд ўқиши ва сўнг салом бериши зарур. Агар мазкур

ҳолда имом билан қўшилиб салом берса, намози бузилади. ("Халаби кабир").

3. Намозда фарзи хилофия ҳам бор деб эшитдим. Фарзи хилофия нима ва у нечта?

Жавоб. Фарзлиги масаласида мазҳабимиз мужтаҳидлари яқдил бўлмаган амал фарзи хилофия дейилади. Намозда иккита фарзи хилофия бор. Улар намоздан ихтиёр билан чиқиш ва таъдили аркондир.

Намознинг барча арконларини адо этган киши ундан ўз ихтиёри билан салом бериб чиқиши керак. Шунга асосан, намознинг барча арконларини адо этиб бўлгач, салом бермасдан олдин ўзига боғлиқ бўлма-



ган ҳолда таҳорати синиб қолса, намози бузилган бўлади.

Таъдили аркон дейилганда руку, сужуд, қияма ва жалсаларни маромида адо этиш тушунилади. Мазкур ижтиҳодга мувофиқ, таъдили аркон этмаган кишининг намози ҳам номақбулдир.

Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН
тайёрлади

товушини сажда ҳолида айтиб, «акбар» лафзининг «р» товушини айтганида қаъда ҳолида бўлиши керак. Қаъда ҳоли бир тасбеҳ айтиш миқдоричадир. Бу нарса суннатдир. Сўнг «Аллоҳу акбар» деб иккинчи бор саждага боради. «Аллоҳ» лафзининг «а» товушини қаъда ҳолида айтиб, «акбар» лафзининг «р» товушини айтганида сажда ҳолида бўлиши керак. Бу саждада ҳам аввалгидек тасбеҳ айтади. Тасбеҳ айтиб бўлгач «Аллоҳу акбар» деб қиём ҳолига қайтади. Қиём ҳолига қайтишда аввал бош, икки қўл сўнг тизза кўтарилади (шу билан биринчи ракат тугайди). «Аллоҳ» лафзининг «а» товушини сажда ҳолида айтиб, «акбар» лафзининг «р» товушини айтганида қиём ҳолида бўлиши керак. Бу дегани такбир ҳаракатга эмас, балки ҳаракат такбирга мувофиқ бўлсин деганидир. Сажадан қиём ҳолига қайтишда ерга суяниб турмайди. Балки тиззаларига суяниб туради.

Сажадан қиём ҳолига қайтиши билан иккинчи ракат бошланади. Иккинчи ракатда такбири таҳрима, сано ва тааввуз йўқ. Биринчи ракатда бу айтилганлардан бошқа ҳамма амаллар иккинчи ракатда ҳам такрорланади. Иккинчи ракатнинг иккинчи сажасидан сўнг ўтиради, қаъда ҳолида бўлади ва «ташаҳхуд» ўқийди. Агар ният қилган намози икки ракатли бўлса, саволат ва дуо ўқийди ва салом беради. Намози уч ё тўрт ракатли бўлса, бу қаъдада «ташаҳхуд» ўқиб бўлгач, «Аллоҳу акбар» деб учинчи ракатга туради. «Аллоҳ» лафзининг «а» товушини қаъда ҳолида айтиб, «акбар» лафзининг «р» товушини айтганида қиём ҳолида бўлиши керак. Қаъдадан қиёмга туришда ерга суянмай, балки тиззага суяниб туради. Агар фарз намози ўқиётган бўлса, учинчи ва тўртинчи ракатларнинг қиём ҳолида фақат тасмия айтиб, Фотиҳа сурасини ўқийди, холос. Агар ўқиётган намози вожиб ё

суннат намози бўлса Фотиҳа сурасидан сўнг яна бир сура ҳам ўқийди. Руку ва сажда аввалги ракатлардагидек бажарилади.

Ўқиётган намозининг рақатини тўла ўқигач, ўтиради, қаъда ҳолида бўлади ва «ташаҳхуд», саволат ва дуо ўқийди. Сўнг ўнг елкасига қараб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деб салом беради. Бунда, намозни танҳо ўқиётган бўлса, фаришталарга салом бераётганини кўнглидан ўтказди. Сўнг чап елкасига қараб худди шундай салом беради. Агар намозни жамоат билан ўқиётган бўлса, имом унинг тўғрисида бўлса, икки томонга салом берганида ҳам имомни, ёнидаги намозхонларни ва фаришталарни кўнглидан ўтказди. Агар имом бирор ён томонида бўлса, шу томонга салом бергандагина мазкурларга қўшиб имомни ҳам кўнглидан ўтказди.

Шу билан ният қилиб бошлаган намози тугайди.

Муҳаммад СИДДИҚ



Манбаларда омонатнинг икки тури борлиги қайд этилган: Аллоҳ билан инсонлар ўртасидаги омонат ҳамда одамларнинг бир-бировларига омонати.

Сизу биз таҳорат ва намозга, рўза тутишга омонатдормиз. Молдан закот бериш, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан четлашиш ва гуноҳларни тарк этишга омонатдормиз. Намоз учун сафга туриб, қироат қилмасак, махфий ўқиладиган намоз вожиботларини бажармасак, буни бирор киши сезмаса ҳам, Аллоҳ таоло билиб туради. Хилватда маъсият ва гуноҳларга ғарқ бўлсак ҳам, Аллоҳ билиб туради. Демак, омонат Аллоҳ инсонларга фарз қилган барча ибодатларни қамраб олади.

Амалларга ихлосли бўлиш ҳам омонатдир. Ибодатларни шубҳа, риё, мадху сано ёки бошқа шу каби нарсалар умидида қилсак, амалларимиз ботил бўлиб қолади. Демак, ихлос омонатдир.

«У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилувчилар (намоз ўқувчилар) орасида (имом бўлган ҳолингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига) кетаётган (вақтингизда ҳам) кўриб туради. Шак-шубҳасиз, у эшитувчи, билувчи Зотдир» (Шуаро, 218-220, мазмуни)

Одамларнинг бир-бировларига омонати уларнинг ҳақларига риоя қилишдир. Ҳадиси шарифда омонатга хиёнат қилиш мунофиқнинг аломати дейилган. «Мунофиқнинг аломати учта бўлади: гапирса ёлғон гапирди, ваъда берса вафо қилмайди, омонат қўйилса, хиёнат қилади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

«...Агар бир-бирингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатни адо қилсин ва Аллоҳдан қўрқсин» (Бақара, 283, мазмуни)

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга буюради» (Нисо, 8, мазмуни).

Айтишларича, бу оят Каъба калити ҳақида нозил бўлган экан. Пайғамбар, алайҳиссалом, Каъба калитини Усмон ибн Талҳадан олганларида нозил этилган. Каъба ёпинчигини янгилаб туриш Бани Абдуд-Дор қўлида бўлиб, Усмон ибн Талҳа мана шу қабиладан эди. Макка фатҳ этилганида, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Усмондан калитни талаб қилдилар. Усмон «Омонатними?» деганида, «Ҳа», деб жавоб бердилар. Калит Расу-

лulloҳ қўлларига ўтгач, Аббос: «Калитни менга беринг, токи сиқоят ҳам, садонат (ҳожиларга сув, овқат бериш, Каъба хизмати) ҳам менда бўлсин», деди. Шунда Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримани нозил қилди. Оят гарчи мана шу ҳодисага хос бўлиб тушган бўлса-да, у барча омонатларга тегишлидир.

Агар биров сирини ёки ўзи билан аҳли орасидаги гапни омонат деб айтса ва уни ёйишдан қайтарса, бу бизга омонатдир. Инсонлар бир-бирларининг ҳақлари: моллари, сирлари, обрў-этиборлари ва шунга ўхшаган нарсалари учун омонатдордир. Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, асҳобларидан: «Муфлис кимлигини биласизларми?» деб сўрадилар. «Муфлис деб бизда на дирҳами, на бирор нарсаси бўлган кишига айтилади», дейишди саҳобалар. Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Менинг умматимдаги муфлис қиёмат куни намози, рўзаси ва закоти билан келади. Лекин у бунисини сўккан, уни сига тухмат қилган, бировнинг молини еган, бошқасининг қонини тўккан, яна кимнидир урган бўлади. Ҳалиги кишининг яхшиликларидан уларга олиб берилади. Агар яхшиликлар тугаб, етмай қолса, уларнинг хатоларидан олиб, бунга қўшилади. Сўнг оловга ташланади» (*Абу Довуд, Термизий ривояти*).

Омонатларга хиёнатнинг бир қанча кўринишлари бор: 1. Эгаси ишлатишга рухсат бермаган нарсани ишлатиш. Масалан, кийимини кийиш, уловини миниш. 2. Омонатдан тониш. 3. бадандаги ёки мол-мулкдаги фойдани кетказиш: а) Бадандаги хиёнат кимсасиз жойда бировнинг бошини ёриб ёки ўлдириб яна ҳеч нарса кўрмагандек юришдир. Бу ҳол йўл ҳодисаларда кўп учрайди: б) ҳақ ва мулклардаги хиёнат. Шундай кишилар борки, бировдан нарса сотиб олади ёки қарз кўтаради ва расмий васиқалар, тилхатлар ёзишади. Мабодо мол эгаси ёки қарз берувчининг бошига бирор иш тушса, дейлик, васиқалари ёниб кетса ёки йўқолиб қолса, у ҳам инкор ва тониш учун мол олганлиги ҳақидаги васиқаларни йўқотишга шошилади.

Киши ўзига хиёнат қилган одамга нисбатан ҳам яхши фикрда бўлмоғи, унинг хиёнатига хиёнат билан жавоб бермаслиги лозим.

Манбаларда омонатдор бўлиш учун қуйидагиларни англаб, амал қилиш зарурлиги кўрсатилган:

1. Аллоҳ тарафидан инсонларга фарз қилинган барча ибодатларни адо қилиш шарт эканини англаш.

2. Парвардигорнинг барча нарсани кўриб, билиб турувчи Зотлигини, ундан ҳеч нарса махфий бўлмаслигини, инсонлараро омонатларни адо этиш шартлигини ҳис этиш.

3. Бу омонатларни хоҳ махфий, хоҳ ошкор адо этса, дунё ва охиратда улкан ажр ва савобга эга бўлишини тушуниб етиш.

Равшан МАМАДАЛИЕВ

Мактабда ўқиб юрган кезларимда «Мен севган қахрамон» мавзуида иншо ёзган эдим. Менинг қахрамоним маҳалладошимиз Собир амаки эди. У кишини ҳамма яхши кўрар, ҳурмат қилар эди. Собир амакини ширин тили, қадоқ кўли учун ҳам севардилар.

«Собир малҳам» дейилса, бас, ҳатто болалар ҳам эшикларини кўрсатиб қўйишарди. Ўзлари заводда ишларди, бекор ўтирганини ҳеч ким кўрган эмас. Кўчага чиқиб олиб, ўтган кетганини ғийбат қилувчиларни ёмон кўрарди. Бекорчиликни ўзига душман деб биларди.

Кўчамизнинг номини «Қоратош» дейишади. Кўчага бошидан—охир сабур дарахтлари экилган. Бу дарахтларни ҳам Собир амаки парвариш қилганлар. Кўпинча шу дарахтларга тикиламан. Собир малҳамни эслайман.

Маҳалламизда Собир малҳам кирмаган ҳовли топилмаса керак. У ишни яхши-ёмонга, оқ-қорага ажратмасди. Хизмат ҳақини амаки сўрамас эди. Бева-бечоранинг томини тузатиб беришми, ошхона қуриш, кўмирхонани тозалашми, хуллас, ҳамма ишни бажариб кетаверар эди. Бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган.

Ўшанда қиш чилласи эди. Собир малҳам ўғли билан амакининг уйида деворга гул соларди. Кутилмаганда «Озод, Озод», деб совуқдан жунжиккан бир синфдошим кириб келдию:

– Собир малҳам шу ердамилар? – деди.

– Ҳа, тинчликми, нима гап? – деб сўрадим. Саломлашгач, ўртоғим:

– Собир амаки, Баҳри буви бор-ку, ўшаларнинг мўриси тортмай қопти, уйлари тутунга тўлиб кетган. Бизникида ўтирибдилар. Собир малҳамни чақириб кел, дедилар...

Собир малҳам амакининг феълени яхши биларди. Шундай бўлса ҳам ҳозир у бечора кампирга ёрдам беришни ўйларди.

– Мирзабек, сиз тушунган одамсиз. Маҳаллада шунча одам бўлатуриб, кампирни ёлғиз таш-

Эртасига мактабга бораётганимда Баҳри бувини учратдим. Мени ёнига чақириб дилини очди:

– Барака топсин, икки дунёда кам бўлмасин. Ҳамма ишни битириб бўлгач, пул узатувдим, аста кўлимни ушлаб, энгашиб, кўзларига сурт-

ди. Кейин юзларимга боқди. Дўстларим хотираси ҳаққи, хафа бўламан, деб қайтариб берди. Сўнг гаплашиб ўтирдик. Мен болаларимни эслаб, у эса дўстларини хотирлаб йиғлашдик.

Мен бу хабардан жуда қувондим. Папкамни силкитганча мактабга чошиб кетдим.

Собир малҳам одамларнинг ҳожатини чиқарар, унинг кўмагига муҳтож бўлганларнинг биринчи чақириғи билан ёрдамга етиб келарди. Одамлар у кишига отаси, туғишган ака-укасидек муносабатда бўлишар, ундан дарду ҳасратларини, қувонч ва

шодликларини яширмас эдилар.

Орадан кўп йиллар ўтди. Улғайдим. Ишга кирдим. Бир куни хизмат сафаридан келсам, уйдагилар: «Собир малҳам оламдан ўтдилар, пешинга чиқаришади», деб қолишди. Бирдан икки чаккам қисилгандай бўлиб, бошимда оғриқ турди.

Таъзияхонага бордим. Тумонат одам йиғилган. Хотин-халажнинг йиғи-сиғиси эшитиларди. Жаноза ўқилгач, тобутни елкалашган одамларга эргашиб, маъюс борарканман, кимдир елкамга кўлини қўйди. Секин ўгирилиб қарадим. Адабиёт ўқитувчимиз экан:

– Озоджон ўғлим, бугун сенинг бир неча йил бурун ёзган иншоингни қайта ўқиб чиққандай бўлдим. Собир малҳам чинданам кўпчиликнинг меҳрини қозонган оддий қахрамон эди, раҳматли... – дея кўзёшларини артди.

РАҲМАТЛИК СОБИР МАЛҲАМ



лаб бўладими? Қолаверса, учала ўғли бизлардай кетма-кет фронтга кетишган. Биттаси ҳам қайтиб келмади. Бу ишингиз ҳам қолиб кетмайди, – деб амакига қаради.

– Йўқ, олдин биззи ишши битирасиз, йўқса... — Амакининг астойдил жаҳли чиққани билиниб турарди.

Собир малҳам кескин бурилиб, ўғлига:

– Қани, ўғлим, асбобларни йиғиштиринг-да, орқамдан тезда Баҳри холаникига боринг, – деди.

Кейин зинадан илдам тушаркан, ўртоғимга қараб:

– Чоп, Баҳри холага ҳозир етиб келарканлар деб айтгин, – дедию амаки билан ҳатто хайрлашмай чиқиб кетди. Пулим кўп, ҳаммага сўзим ўтади, деб ўйловчи амаки, шу онда Собир малҳамдан яхшигина тарсаки олган эди. Мен эса, Собир малҳамдек ювош одам, амакининг сўзини икки қилмай шу ерда ишлайверса, Баҳри буви нима қилади, деб сиқилиб турган эдим.

Миршароф СОДИҚОВ



Исмоил ҲАКИМ,
Даврон АБДУЛЛОҲ

ЎЛИМ ЙЎҚЛИК ЭМАС

Дунёдаги энг катта ширкат

Жонли мавжудотлар сув, ҳаво, тупроқ ва қуёшдан бири бўлмаса, яшай олмайдилар. Бу тўрт махлуқ бир-бири билан шундай боғлиқки, гўё улардан Аллоҳ катта бир ширкат қурган. Бу ширкат эса жонли мавжудотларнинг яшашига қулайлик яратиш билан машғул. Фирт оловдан иборат қуёш дунё учун ҳаёт сабабларидан биридир. Оловдан ҳаёт яратган Зот ерни шундай бир масофага жойлаштирганки, на ёнамиз, на музлаб қотамиз.

Шунингдек, Аллоҳ ернинг ўқиға шундай бир эгиклик берганки, бунинг натижасида фасллар алмашади. Ҳар фасл дунёга ҳар хил озуқа омборини очади. Ошқозонларни яратган Аллоҳ у ошқозонларга ризқни ҳам ўзи юборади. Бир чумоли ошқозонининг эҳтиёжларини таъминлаб турган Аллоҳ абадият истайдиган бандаларининг хоҳишини рад этиши ҳеч мумкинми?! Бермайдиган бўлганида хоҳлаттирармиди?!

Агар еримизнинг ўқи 23 градус 27 минут бўлмасдан текис бўлсайди, ҳар доим илк баҳор мавсумини яшардик, ҳеч қайси мева ва кўпгина сабзавот пишиб етилмас эди.

Адирларни, иқлимларни, жонзотларни яратган, Қутб юлдузини шимолий ярим шар томонига тақиб, бандаларига тўғри йўлни кўрсатган Аллоҳ бу дунёнинг мураккаб ҳаёти ичида адашиб юрганларга абадий саодат йўлларини кўрсатмаслиги ҳеч мумкин эмас.

Қуёш, ҳаво қатлами, сув ва тупроқлар билан бандаларини озиқлантираётган Аллоҳ бандалари ўлиб, тупроққа аралашиб кетса ҳам, уларни бирин-

чи марта яратганидек иккинчи марта такрор тирилтиради, ётган қабрларидан турғазиб, охират ҳаётига йўллайди.

Томсиз фабрикалар

Дунёнинг бутун олимларини тўплаб, уларга жуда катта пул берилса ҳам, биттагина олмани ясай олмайдилар. Мабодо ясай олган тақдирларида ҳам, бу олмани сотиб олишга кимнинг пули етарди?!

Ҳовлидаги олма дарахтига қараймиз: унинг ердан бир метр кўтарилган танаси ва шохлари учидан осилган олмаларни кўраемиз. Ё Парвардигоро, бўйи бир метр, диаметри ўн сантиметр бўлган бир дарахт фабрикага ўхшаб ишляпти, тупроқдан олма қиляпти. Ер остидаги тупроқ бир метр юқорига кўтарилиб, олмага айланяпти. Яна қанақа олмага: ажойиб рангли, бетакрор ҳидли ва ниҳоятда мазали... Қора тупроқни бу даражада тирилтираётган Аллоҳ қора ерга кирган бандаларини тирилтира олмайдими? Дала ва боғларни фабрикадек ишлатаётган, кичкина бир асаларининг меҳнати билан бизларга асал едираётган, товуқларни туҳум фабрикаси қилиб қўйган, шўр денгизларда тузсиз балиқларни яратиб, уларни бизга ризқ қилиб бераётган Аллоҳ абадий ҳаётда абадий зиёфат ҳам бера олади!

Ҳар бир фабриканинг маълум бир низоми, дастури бўлади. Томсиз фабрикаларга тўла бу дунёнинг низоми, дастури Аллоҳнинг ҳақ дини Исломдир. Ҳар бир низом ўзига бўйсунган кишиларга мукофот, осийларга жазо тайинлаганидек, гуноҳ иши учун жазони ёки савоби учун етарлича мукофотни дунёда олмаганлар охиратда жаннат ва дўзах орқали ҳисоб-китоб қилинади.

Тупроқдан ҳар нарса яратилляпти

Тупроққа экилган битта уруғдан юзлаб ўсимлик униб чиқади. Бу ҳодисанинг бир фоизи уруғга оид бўлса, қолган тўқсон тўққиз фоизи тупроққа тегишли. Шундай қилиб, тупроқ ўсимликка айланади. Тупроқдан униб чиққан ўтти сигир ейди. Тупроқда тирилган ўсимлик сигирнинг оғзида ўлиб, вужудида қайта тирилади – сут, гўшт ва бузоқ бўлади. Тупроқдан ўт, ўтдан эса бузоқ... Шундай қилиб, бузоқлар ҳам тупроқдан яратилади.

Тупроқдан ҳар нарсани яратган Аллоҳ уларни яна такрор тупроққа айлантиради. Сигирнинг гўнги далага тушади, гўнгли тупроқда ўсимликлар яхши ўсади. Демак, гўнгли ҳам ўсимликлар вужудида қайта тирилади. Гўнгли тириляётган бу оламда инсон тирилмайди? Инсон гўнгдан ҳам қийматсизми? Гўнгли тирилади-ю, инсонлар тирилмасдан қабрда ётадими? Қон билан сийдикдек нажаслар орасидан бизлар учун сутдек бир ҳалол ва энг чиройли озуқалар тайёрлаб бераётган Аллоҳ «жаннат» деган абадий саодат уйини ва «дўзах» деган

жазо жо-йини ҳам тайёрлай олади, тайёрлаб қўйибди.

Бугдойнинг неча марталаб ўлиб-тирилишидан юзага келган нон инсон вужудида қайта тирилиб, баданларига жон, оёқларига мадор ва қувват бўлади. Ейилган нонлар ва ичилган сувлардан тирноқлар ва сочлар ўсади, кўзлар кўришда давом этади, кулоқлар эшитади ва бутун моддий ва маънавий аъзолар ўз ўрнида ишлайди. Буларнинг устига, болалар ҳам туғилади. Шундай қилиб, нон билан сув эр-хотиннинг вужудида тирилади, чақалоққа айланади. Дунёдаги ҳеч бир фабрика ўзини ўзи ясай олмайди, аммо инсон деган фабрика, ўзи-дек санъат ажойиботини – бир болани ярата олади. Бироқ боланинг яратилишини фақатгина ота-онага боғлаб қўйиш тўғри эмас. Зеро, ота-онанинг буйраги қаерда бўлса, боланики ҳам ўша ердадир. Юрак ва қон томирлари ҳам бир хил бўлади. Демак, ота-онани яратган Зот ким бўлса, болани яратган ҳам Ўшадир.

Нон бугдойдан, бугдой эса тупроқдан яралган. Демак, нон еб, сув ичган ота-онанинг боласи ҳам тупроқдан яратилгандир. Одам алайҳиссаломнинг лойдан яратилганига ҳайрон бўлган ва ишонмаган инсонлар ўзларининг тупроқдан яратилганини унутиб қўйяптилар. Тупроқдан унган сабзавот ва меваларни еган инсон ҳар ерда ва ҳар замон инсондир, аммо исломиятни яшамаганлар инсонийликни йўқотган ҳисобланади. Инсонийлигини йўқотганлардан ҳар хил ёмонликлар келади.

Гўнглар тириларкан...

Сунъий ўғитнинг фойдаси ва баракоти бор. Аммо энг катта хазиналардан бири табиий ўғитдир, гўнгдир.

Гўнг ўсимлик илдизларида тирилади-ю, ўлган инсон тирилмайдими?

Гўнгли тупроқлардан мўл ҳосил олинишини ҳамма билади. Агар дала ўғитланмай бугдой экилса, сочилган уруғга нисбатан бор-йўғи икки барабар кўп ҳосил олиш мумкин. Ўғитлаб экилган дала эса қирқ, ҳатто олтмиш барабар кўп бугдой ҳосили беради. Гўнглар зоҳиран ифлос, ҳақиқатда эса хазинадир. Аслида, Аллоҳ ҳеч бир нарсани ифлос, хунук ва зарарли қилиб яратгани йўқ. Ҳар қандай ёмонликни инсоннинг ўзи, ўз қўли билан бажаради. Масалан, устимизга сочиб, бошимизга суртсак, ифлос бўлаемиз. Лекин, даладаги, полиздаги гўнг неъматдир.

Аллоҳ ҳар бир нарсани фойдали этиб яратган. Ҳеч бир нарсани бекорга ташлаб қўйгани йўқ. Инсон мева ва сабзавотларни ейди, уларнинг бир қисми гўнг бўлиб ташқарига чиқади. Бу гўнглари ўсимликларнинг илдизида такрор тирилади, неъмат бўлиб, озуқага айланади ва инсон ошқозонига тушади. Олма, шафтоли ва пўртақолга бир қаранг ва гўнгни ҳам эсланг. Аллоҳ гўнгдек ифлос бир нарсани

дан шафтолидек гўзал нарсаларни яратар экан, буни кўриб, абадий саодат сабаби бўлган исломиятнинг қадрини билмай, исломий ҳаётда яшамай, бу дунёни ўзига зиндон қилса, бунақа бир тушунчага жаҳаннам керак, албатта.

Икки ўлик битта тирикликка айланмоқда

Биз жонсиз ва ўлик деётган ҳар бир нарсани тирилади. Тирилмайдиган ҳеч бир нарсани кўрсата олмайсиз. Истасангиз, шундай бир тажрибани қилиб кўринг. Яримта нон олинг, унинг ичига биттагина бугдой уруғини жойлаб сув қуйинг. Бугдой майса бўлиб ўсади, тирилади.

Энди бу икки ўликдан бири нонни қўлга олиб, унинг аввалги босқичларига бир назар ташлайлик: экин ўриб, ўлдирилади. Тирик бугдой қолади. Уни бошоқдан ажратиб, тегирмонга олиб бориб яхшилаб янчиб яна ўлдирилади, ун ҳолига келтирилади. Ундан ҳамир қилинади, ҳамир иссиқда ўлдирилса, нон бўлади. Кўриб турганингиздек, нон қайта-қайта ўлдиришнинг маҳсулидир.

Иккинчи ўлик эса, бугдойдир. Яшил экин ўрилса, қуриб сап-сариқ бўлади. Ўроқ билан ўрилган бугдойни ҳам ўлик ҳисоблашимиз табиий. Тўғрими?

Ўлик нон ичига ўлик бугдойни қўйиб, уларга сув берилганида ям-яшил майса униб чиқади. Сув қуйишда давом этсак, экин бошоқ солганини кўраемиз.

Инсон ўлиб, қабрда чириб кетган тақдирда ҳам ноннинг тирилишига ўхшаб, яна қайта тирилади. Инсон ўлиги уруғ каби тупроққа киради. Ўлик тупроқ билан ўлик инсон бир-бири билан мустаҳкам боғланади. Инсон ҳам уруғларнинг тирилиши каби охират ҳаётида қайта тирилади ва дунёвий ҳаётининг ҳисобини беради.

Шу ўринда ҳозирги замон илми аниқлаган бир ҳақиқатни иқтибос қилиб келтирсак.

«Англия микробиолог олимлари инсоннинг умурт-қа поғонаси ичида жуда ҳам кичкина бўлган инсоннинг жавҳари – уруғи борлигини аниқлашди. Бу жавҳар ҳатто жуда юқори ҳароратга ҳам бардош бера оладиган қобиқ билан ўралган экан. Шуниси ажабланарлики, инсон жавҳарининг қобиғига ҳар хил кимёвий моддалар таъсир эттирилганида ҳам у ўз хусусиятини асло йўқотмаган. Бу тажрибалардан инсон жасади ёниб ёки тупроқ остида чириб, йўқ бўлиб кетса ҳам, унинг жавҳари асло чиримаслиги маълум бўлди.

Англия микробиологлари: «Маҳсус бир шароитда бу жавҳардан инсоннинг янги жасади шаклланиб, сўнгра у қобиқни ёриб чиқиши мумкин», деган илмий фаразни айтмоқдалар» («Тавҳид», Тошкент, «Меҳнат» нашриёти, 1991, 16-бет).

(Давоми келгуси сонда)

АЗИЗЛАРНИНГ ДАВРАЛАРИДА

Исмоил Эшон Иброҳим Охун ўғли билан сўхбат

Исмоил Эшон — Хоразмнинг кекса уламоларидан. Гурлан туманидаги Эшимжирон қишлоғида истиқомат қилади. Юз ёшнинг бўсағасида бўлса ҳам, тетик ва хушёр. У кишининг оталари Иброҳим Аълам Охун Хивада инқилоб душмани сифатида қатл қилинган. Эл орасида бу табаррук кишининг ҳурмати баланд. Устоз ўтган асрда кечган талотўп-ларнинг тирик гувоҳидир. У шундай қийин даврларда ҳам одамлар орасида бўлди, олимларнинг тутумини дастуриламал қилди. Ўзига, ўзгаларга талабчан бўлди, дунё маҳобатидан юз буриб, динини бутун сақлади. Иброҳим ота билан сўхбатимиз ўтмишни хотирлашдан бошланди.

— Устоз, болалигингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Отам қатл қилинганидан сўнг туғилган еримдан узоқда — гоҳ Туркменистон чўлларида, гоҳ Қорақалпоқнинг дарёбўйи тўқайзор қишлоқларида болалигим ўтди. Лекин шу саргардонликлардан олдинроқ кечган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: Отам Хивадаги мадраса мударрисларининг раҳбари эди. Кичкина бўлсам-да, баъзида мени ҳам илм мажлисларига олиб борардилар. Бир куни отам, яна уч-тўрт олимлар Ичон қалъадаги мадрасаларнинг биридан қайтаётган эдик. Кутилмаганда Хиванинг хон арава юрадиган катта кўчасини тўлдириб келаётган оломонни кўрдик. Файритабиий кийинган, ўғил-қиз аралаш ёшлар «янги турмуш, янги турмуш...» деганча бақириб-чақириб, гурас-гурас қадам ташлаб, ўта кетишди. Биздан тобора узоқлашаётган, бу улоққан ёшларнинг изидан боқиб олимлардан бири беихтиёр: «Кетди, энди кетди...» дея инграб юборди. Унинг юзида кўзёшлари шашқатор эди. Отамнинг ҳам соқолларини кўзёшлари ювар эди... Ўшанда мен бу нуроний сиймоларнинг

нима учун йиелганини англай олмадим. Қалбимга ўрнашиб қолган «Кетди, энди кетди...» деган ингроқ хануз ўйга толдиради.

— Болаликнинг шундай манзарасини бугун, мана шу ёшнингизда қандай изоҳлаган бўлардингиз.

— Аллоҳ раҳматига олсин, у азизлар ўтиб кетишди. Улар билан сирлар ҳам кетди. Уларни эслаб, уларнинг илм мажлисларини қўмсаб, кўзимнинг ёши қуриб бўлган. Аллоҳ рози бўлсин, Оиша онамиз: «Расулulloҳнинг хулқлари Қуръон эди», деб айтган эканлар. Отабоболаримиз Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, йўлида собит, доим у зотнинг хулқи билан хулқланишга интилишар эди.

Уларнинг тақвosi сўзда эмас, амалда кўринарди. Шунинг учун улар жуда камгап бўлишган, зарур гапнигина сўйлашарди. Ҳисоб-китоб кўрқинчидан Аллоҳнинг каломи уларни соқов қилиб қўярди. Қодир бўлатуриб, оятларни шарҳлашга ботина олмасдилар. У азизларнинг давраларида илоҳий робита, ундан келадиган тот бор эди. Ўшанда отам ва унинг дўстлари шу робитанинг узилаётгани, шу тот-



нинг кетаётганини сезиб, аламли ёшлар тўкишган бўлса ажаб эмас.

— Энди мустамлака истибодди барҳам топиб, динимизга муносабат ўзгарди. Таълим-тарбия ишлари кишиларда маънавий поклик, гўзал хислатларни камол топтиришга қаратилляпти.

— Алҳамдулиллаҳ, юртимизда имон-эътиқоди собит диёнатли авлодлар камол топиши йўлида улуг ишлар бошланди. Замон эврилгани рост, лекин инсон эврилмайди. Одам фарзанди хато қилади, адашди ва тавба билан тўғри йўлга тушади. Гоҳида ўтган фитналар, хиёнатлар, дарёга оқизилган китоблар кўз олдидан ўтади. Гоҳида ўтиб кетган азизларни эслаб, дунёда одам қолмагандек туюлади... Балки бу қариликдан, тенгқурлар камайиб, ёлғиз қолаётганимдандир. Нима бўлгандаям, Аллоҳнинг раҳматидан умидвормиз.

— Келинг, шу ўринда сизга бир ҳазил савол берай. Қишлоқнингизда баъзи одамлар сизнинг қаттиққўллингизни, ҳатто, «ҳассангизнинг зарби»дан ҳайқишларини айтишди.

— Ҳассамдан эмас, Худодан кўрқишсин.

— Кимнидир саломлашиш одобини бузгани учун, яна кимнидир жаноза одобига риоя қилмагани учун ҳасса билан «сйлаган» экансиз-а?

— Яхши эслатдингиз. Болаларимиз, ҳатто катта ёшдаги

кишилар ҳам саломнинг нақадар улуғ ибодат эканини билишмайди. Саломнинг кайфияти, одоби бор. Салом берувчи «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ» дер экан, Аллоҳ таолони эслайди ва эслатади. Ана шунда алик олувчи ҳам Аллоҳ таолони эслайди ва эслатади. Орадан гилли-ғаш, гафлат кўтариллади, мўмин билан мўминнинг бирлашган қўллари қалбада ухувват пайдо қилади. Отлиқ пиёдага, юрган ўтирганга, озчилик кўпчиликка аввал салом беради.

Яна бир гап айтай, одамларимиз маййит билан боғлиқ кўпгина масалалардан беҳабар. Раҳматлик мўминни охират уйига кузатар эканмиз, маййитнинг ҳақини Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ўргатгандек адо қишлоғимиз вожиб. Маййитни ювиш, кафанлашга биринчи ҳақдор — шу ишни суннатга тўла мувофиқ ҳолда бажара оладиган кишидир. «Бу менинг яқиним, суягим, шунинг учун мен ювишим керак», деб талашиш нотўғри. Тўғри, ўлик сенинг яқининг, туғишганинг экан, уни ювишга ҳақлисан. Лекин ундан-да аввалги бурчинг — бу ишни суннатга мувофиқ қила олишингдир.

Баъзан мусибатхонада лағв, ҳазил каби дунёвий гаплар билан машғул бўлишади. Мусибатхона Аллоҳни зикр қилиш, охиратни ўйлаш, истиффор айтиш, раҳмат тилаш, агар буларга қодир бўлмаса, сукут сақлаш мақомидир. Шундай бидъатлардан яна бири, аёлларнинг тобут ортидан наҳва уриб йиғлашларидир. Бу иш Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўладиган, маййитга озор етказадиган ишлардан. Кошки буни аёлларимиз англасалар...

— Ёшлар орасида ўт қўйиш, осий билан ўз жонига қасд қилиш ҳоллари содир бўляпти. Бундайлар дунёдан имонсиз кетиши мумкин, дейишади. Уларга жаноза ўқиладимми?

— Аллоҳ таоло берган омонатга — жонига қасд қилиш куфр-га сабаб бўлади. Исботи аниқ бўлса, жаноза ўқилмайди. Бошга тушган кулфатлар, мусибатлар ўлимни ихтиёр қилишга асос бўлолмайди. Рухий касалликка чалинса, даволаш керак. Ўзини ўзи ўлдириш кечирилмас исён, жаҳолат, туғён натижасидир. Бу нарса асосан оилада тўғри тарбиянинг йўқлигидан келиб чиқади. Ёшларнинг юриш-туриши, эҳтиёжларидан доимо огоҳ бўлиб бориш, норозилик туғдирувчи, ҳаётдан бездирувчи сабабларни бамаслаҳат бартараф қилиш керак.

— Шариатимиз ҳаром қилган ичкилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор, зино каби гуноҳи кабираларни ҳийлан шаръий билан ўзига ҳалол қилиб олишларига, бунинг натижаси ўлароқ, баъзиларнинг «энди ҳалол билан ҳаром аралашиб кетди», деган даъволарига қандай қарайсиз?

— Шариатда ҳийла йўқ. Ҳалол билан ҳаромнинг чегараси очиқ баён этилган. Бу икки зид нарсани жамлашга қанчалик уринилмасин, улар жамланмайди, ҳалоли ҳалолга, ҳароми ҳаромга ажралаверади. Шундай экан, Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кўрсатган йўлдан чалғимайлик. Билмаганлар билганларга қулоқ тутсин, тинглашни ўрганишсин.

— Суҳбатимиз ниҳоясида Аллоҳдан ажр сўраб, қутлуг ёш сизга муборак бўлсин, дейман. Энди ҳаққимизга бир дуо қилинг.

— Эй Биру бор Худоё! Барчамизни ўзинг рози бўладиган ишларга бошла, оқибатимизни хайрли қилгин. Золимларга тавфиқ бер, мазлумларга нажот бер, раҳматингга ол. Улуғларимизга ҳусни оқибат, ёшларимизга ҳусни оқибатли улуғларга эргашишни насиб эт. Мўмин қулларингни азиз айла, ё Раббал оламин...

Фозил ЗОҲИД
суҳбатлашди.

БАЛОҒАТГА ЕТМАСДАН

Мўмин ҳаёти насиҳат билан ўтади, насиҳат эшитади ва насиҳат қилади. Болаларини насиҳат эшита олишга, фикрлашга, ҳалол-ҳаромни фарқлашга, гуноҳ-саовобни ажрата билишга ўргатади, ўзи зарур малакага эга бўлмаса, насиҳатгўй фозил, илмли кишиларга етаклаб боради.

Балоғатга етмасдан насиҳат эшитишга ўрганган бола саксон ёшга кирганида ҳам насиҳат тинглай олади. «Доно мўйсафидлари бўлмаган элдан ақлли ёшларни излаб овора бўлма», дейилади бир мақолда.

Насиҳат эшитмоқ тафаккур қила олишга қўйилган илк қадамдир. Болага насиҳат қилмоқни, ибрат кўрсатмоқни боланинг қулоғи гап эшитадиган ва кўзи очилган вақтдан (туғилганидан) бошлаш керак.

Ўсмирлар ва тўққиз-ўн икки ёшдагилар тарбияси тарбиянинг энг нозик ва оғир пайтлари, дея эйтироф этилади. Бу ёшдаги болада ўзи тушуниб-тушунмайдиган нафсоний ҳис-туйғулар уйғонади. Бола қайсарроқ, одамовироқ, ширин сўзга, маслаҳатга муҳтож, меҳрга ташна бўлади. Шу ҳолатларда ота-она боланинг туйғуларини назорат этиб, тўғри йўлга бошқариши, боласидан меҳрини, вақтини, яхши сўзини аямаслиги керак. Унга поклик, таҳорат, гусл, намоз, Аллоҳга ибодат, пайгамбарларга муҳаббат йўлларини тушунтира билиши лозим.

Суяги қотаётган, дунё ҳақидаги тасавурлари шаклланаётган фарзанд дин-диёнатдан беҳабар ўсса, унда ҳирсу шаҳват, молу дунё орзуйи кучаяди.

Хусусан, ҳаром йўл билан озуқланса, ҳаром йўлга (ўғрилиқ, тамагирлик, гиёҳвандлик, зино, босқинчиликка) ўрганса, уни ўнглаш жуда оғир бўлади. Уни насиҳат билан, ҳатто маъмурий жазо қўллаш билан ҳам яхши йўлга солиш мушкул бўлиб қолади.

Абдул МУТАЛЛИБ
ДЎСТҚУЛ ўғли

Муҳаммад РАВШАН

АСЛИДА ДУНЁНИ КИМ БОШҚАРЯПТИ?

Малъун иблис ёлгон сўзлари, қасамлари билан отамиз Одамни ва онамиз Ҳаввони (иккисига ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин!) алдаб васваса қиларкан, Аллоҳга исён этишни чиройли кўрсатиб, нафсониятларидаги икки ожиз нуқтани ҳаволантирган ва ўз шайтонлигига чорлаган эди. Бу икки нуқта *ўлмасдан абадий яшаш ва барча неъматларга молик бўлиш* истаги эдики, шу нарсаларни қозониш эҳтиёжлари, яъни, яшаш ва мулк севгиси устун келиб, уларнинг онги сеҳрланди, душманни дўст кўришга, ёлгонни рост билишга олиб борди.

Сўзимизни нима учун Одам алайҳиссалом ва иблис алайҳиллаъна қиссасидан бошладик?

Боиси... яқинда бир танишим «Аслида дунёни ким бошқаряпти?» деган сарлавҳали бир варақани менга кўрсатди. У насронийларнинг бугунги кунда дунё бўйлаб кенг тарқалаётган янги «Иеҳова шоҳидлари» номли оқими томонидан ёзилган экан. Кўча-кўйда тарғибот учун текинга тарқатилаётган ушбу варақа ниҳоятда юқори сифатли қилиб тайёрланган эди. Сарлавҳасию суратлари ҳам жозибадор бу варақани олиб ўқиғач мазкур қадим ҳақиқатни, қайғули, аммо ниҳоятда ҳикматли қиссани эсга олдим.

«Аслида дунёни ким бошқаряпти?» – қизиқ ва тағдор савол. Нима демоқчи экан, деб қизиқасан киши. Бир қарашда унда ёзилган фикрлар ўринлидек туюлади ва айнан оғриқ нуқтангизда, яъни, шайтоний даъватларга қаршilik қилиш, шайтонлар фирибидан имону тақвоингизни сақлашга интилиш ва, энг муҳими, гуноҳларга қарши курашишдек асосий вазифангизнинг адосига қайғуришдек зарур нуқтага таъсир этади. Натижада, чиндан ҳам бу сўзларда ҳақиқат бор, деб ўйлайсиз. Аслида-чи?! Одам ва Ҳаввони ёлгонлари билан йўлдан урган иблис алайҳиллаъна биз Одам болаларини ҳам ҳақ йўлдан чалғитиш мақсадида, «Иеҳова шоҳидлари»нинг эътиқодича, «ердаги абадий ҳаёт ва жаннатга эгалик қилишга» қизиқтириб, ҳақиқий жаннат йўлидан – Аллоҳнинг ҳақ динидан адаштириш учун сўқир тобелари воситасида васваса тарқатаётир. Шайтон биладики, Исломдан ўзга динлар худди Одам ва Ҳаввога, алайҳимуссалом, Аллоҳ таоло ейишларини тақиқлаб қўйган ўша дарахтнинг меваларига ўхшайди. Қайси ақл буларга йўналса, қайси қалб уларни қабул қилса, унинг учун «ўз жонига зулм қилиш – заллат» ҳақ бўлмай. Аллоҳ сақласин!

Варақадаги ёзувлар шундай бошланади: «Аслида дунёни ким бошқаряпти? Кўпчилик юқорида

қўйилган саволга бир сўз билан жавоб беришлари мумкин — Аллоҳ! Лекин...»

Мана шу «лекин»дан бошлаб улар «аслида дунёни иблис ва ёвуз руҳлар-жинлар бошқаряпти» деган машъум фалсафани исботлашга киришадилар. Илоҳиёт сирларидан хабардор бўлмаган, Аллоҳнинг ҳақиқатини танимаган, шайтонлар хусусида ҳақ маълумотларга эга бўлмаган ва дунёнинг

юза суратинигина кўра оладиган, илоҳий ирода тажаллийсини ҳис-идроқ эта олмайдиган кимса, агарда жиншайтонларнинг борлигига ишонса, шубҳасиз, бу фикрларга қўшилади. Нега? Чунки «Иеҳова шоҳидлари» шундай ёзадиларки, гўё «бутун инсоният олий истаклару олижаноб ғоялар билан яшашга интилгани ҳолда, қандайдир ёвуз куч уларни табиий хоҳишларига зид ҳаракатларга — қотиллик, шафқатсизлик, бузуқлик ва бошқа жирканчликларга мажбурлаб зўрлаётир. Бу «ёвуз, кўзга кўринмас куч» иблис бўлиб, Инжилда: «Бутун дунё эса ёвуз шайтоннинг ҳукмидадир» (Ваҳий 12:9; 1-Юҳанно 1:19); «Шунинг учун шайтон-иблис, чиндан ҳам бу дунёнинг ҳокимидир. У бу дунёнинг тангрисидир» (2-Коринфликларга 4:4), дейилган; «У Одам ва Ҳаввони Худого итоат этишдан ўзининг амрини бажо келтиришга мажбур эта олди» (Ибтидо 3:1-6); «Иблис дунёнинг барча салтанатларини



ҳамда уларнинг ҳашаматларини Исога кўрсатиб: «Агар менга тиз чўкиб, сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини сенга бераман», деди» (Матто 4:1, 8-10) каби ҳужжатлар келтиришади. Иблиснинг кофир инс ва жинлардан иборат шайтонларга қандай етакчилик қилиб, ўзининг фиску фужур, фаҳшу журм ғояларини сингдиришда ва эргашувчиларини Аллоҳнинг ҳақ йўлидан оздиришда инсоният эришган барча илму фан ва саноат ютуқларидан ҳам фойдаланиб иш кўраётганини ҳамда дунё салтанатларини мажбурлаб ўз майлича бошқараётганини ёзишаркан, «шоҳидлар» ўқувчини шайтонларга қарши туришга мажбурлаб, умуман, ожиз кулларга айлантириб қўядилар ва ўзларининг ботил ақидаларини таклиф этадилар. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай одамга, агар ўша адоваткор душмани хусусида сўзлаб, «Унинг куч-қудрати ва имконияти олдида сен ҳеч нимасан, шунинг учун ўз ихтиёрингни менга бергин ва менинг устунлигимни тан олгин, ана шунда сенинг заиф борлигингни бу ёвуз зўравондан тўла халос этаман, йўқса, шаксиз, ҳалок бўласан», дейилса, у дарҳол ҳимоячига таслим бўлади ва инон-ихтиёрини йўқотиб, кул-

лик қила бошлайди. Ушбу варақани тарқатувчилар ҳам йўлдан адаштиришда худди иблис алайҳиллаънанинг Одам ва Ҳаввога, алайҳуимуссалом, қарата: «Мен сизларга холис насиҳат қиламан, Аллоҳга қасамки, бу дарахтдан есангиз, абадий ўлмас ва жаннат эгаларига айланасизлар», дея қилган хитобини ўзгача суратда такрорлайдилар. Гўё: «Аллоҳга қасам ичиб айтамыз, эй одамлар, бу дунёнинг ҳокими шайтон ва ёвуз жинлардир, улар дунёни истаганларича бошқариб, сизларни ҳалокатга етаклашмоқда, агарда бизга қулоқ солиб Муқаддас Китоб ҳукмига эргашсангиз ва Исо Масиҳ Худонинг ўғли, дея имон келтирсангиз, ўшанда шайтоний гуноҳларингизни Аллоҳнинг даргоҳида кечиритиши Худонинг ўғли ўз зиммасига олади ва сизларни шайтонлар салтанатидан қутқариб, шу заминимизда абадий яшаладиган жаннатига олиб киради, биз сизларга холис насиҳат қилаётимиз», демоқдалар.

Энди Иблис алайҳиллаънанинг кофирларга қандай султонлик қилишини бир мисол билан изоҳлашга ҳаракат қиламыз.

Маълумки, бугунги дунё салтанатларига назар солсангиз, кўп давлатлар қонундан ташқари иш қилувчи уюшган махфий жамиятлар, жиноий тўдалар, корчалонлар (аниқроғи, кўча қонуни, ўғри қонуни, гангстёрлар қонуни, махфия қонуни каби «шайтанат») ҳукму иродасига биноан бошқарилаётгандек кўринади. Сиз бундай «махфия»лардан бирон-тасининг таъсирига тушиб, қўшилиб қолсангиз, аниқки, давлат шуларнинг қўлида бўлиб туюлади. Гўё уларнинг бошқарув занжири ўргимчак тўри каби ҳамма жойни қамраб, халқни сўриб ётганга ўхшайди. Натижада сизнинг ҳам буларга итоатингиз оддий турмуш қонунига айланади ва узилишдан, қаршилик қилишдан қўриқиб яшайверасиз. Бироқ давлат раҳбарининг шахсан ўзи сизни ҳимоясига олсачи? У ҳолда ҳар қандай «махфия»лар сизга қарши ожиз ғаламислар шаклини олади. Чунки қўлида катта куч — армия, мелиси, хавфсизлик тизими ва, энг муҳими, халқнинг итоати турган раҳбар олдида қандайдир «нафс бандаси» бўлган жиноятчилар гуруҳи ҳеч вақога арзимаслиги, бечоралиги маълум нарсаси.

Малъун шайтоннинг ўз тобеларига султонлигининг мисоли ҳам илоҳий салтанат бошқаруви олдида мана шу «махфия»ларга ўхшайди. Сиз агар шайтоннинг хизбига эргашсангиз, шубҳасиз, мазкур варақада исботлашга ҳаракат қилинган «аслида дунёни иблис бошқаряпти» деган фикрни тан олмасиз. Чунки ўзини шайтонга топширган бошқани ҳам шайтон қўлида кўради. Оқибатда «зўри зўр енгади» маталига биноан «шайтондан зўрроғи Худонинг ўғлидир» ақидасига имон келтиришга мажбур бўлади.

Қуръонда шайтоннинг номини «хоннас», яъни, Аллоҳни эсга олганда «қочиб қолувчи» деб аталган (*Нас, 4*). Малъун иблис ҳам ўзининг бу сифатини яхши билгани боис «Мен одамларга гафлатни (яъни, Аллоҳни унутишини) сезганимда ҳужум қиламан», дея эътироф этган.

«Ким Раҳмоннинг зикридан узилиб, гафлатга тушса, Биз унга бир шайтонни бириктириб қўюр-


миз, бас, бу (шайтон) унинг учун ажралмас шерик бўлиб қолур» (*Зухруф, 36, мазмуни*).

«Иеҳова шоҳидлари»нинг мазкур варақаларида, холис қаралса, тасдиқлаш мумкин бўлган фикрлар, ҳатто, Қуръони каримга мувофиқ хабарлар ҳам бор, албатта. Зотан, касалга дардининг аломатларини тўғри топиб, яна меҳр билан қайғуриб сўзласангиз, у сизга ихлос қўя бошлайди. Сўнгра даво сифатида заҳарни тавсия қилсангиз ҳам, ўйланмасдан қабул қилиши ва ҳатто сизга хизмат ҳақи ҳам бериши мумкин. Бу усулдан миссионерлар унумли фойдаланмоқдалар. Улар бугунги кунда инсониятни қийнаётган, изтиробга солаётган, қанчадан-қанча фидойи мутафаккирларнинг, руҳшуносларнинг, ахлоқшуносларнинг, сиёсатдонларнинг ақлини шошираётган минглаб муаммолар, касалликлар, инқирозлар, бузуқликлар, ёвузликлар ҳақида сўзлашаркан, ўзларини гўё халоскор сифатида кўрсатишади.

Ҳақиқи танимаган, аммо ҳақиқатга нисбатан фитрий майллари ўлмаган жоҳиллар ушбу оқимнинг ғояларига алданиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига, улар ўз тобеларини моддий манфаатлар ва дунёвий имкониятлар билан зийнатлаб, қашшоқ қалбларни сеҳрламоқдалар. «Аслида дунёни иблис бошқаряпти» дейишларидан мақсад ҳам, бизнингча, «Дунё бизнинг кўлимизда, яхшиси шайтонга бўйсун, зўр яшайсан», каби ғоя бўлса керак. Улар шайтонликни «фoш қилиб», яна куфрни тавсия этадилар.

Қуръонга назар солинганида ҳам шайтонларнинг қилмишлари, одамларни адаштиришлари, кофирларга қабоҳатни қандай васваса этишлари, ёлғон ваъдалари, кибру гурурлари, фаҳшу фуҷурлари баён этилганини кўрамыз. Лекин миссионерлар Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари борасида қанчалик залолатга кетишган ва Исо ибн Марям алайҳиссаломни «Худонинг ўғли» дея бўҳтон тўқишган бўлса, лаънати иблис хусусида ҳам шунчалик ҳаддан ошдилар ва уни «дунёнинг тангриси» қилиб олдилар. Бошқача айтганда, улар Аллоҳга итоату ибодатда гулувга бориб, Исо пайғамбарни, алайҳиссалом, Аллоҳга шерик қилганларидек, шайтонга баҳо беришда ҳам улоқиб, уни Аллоҳга баробар қилиб қўйдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ азза ва жалла: «**Шайтон, алайҳиллаъна, сизларни фақатгина ёмонлик қилиш ва бузуқлик-фаҳш ишларга ва Аллоҳ ҳақида ўзларингиз билмаган сўзларни гапиришларингизга буюради**» (*Бақара, 169, мазмуни*) деб хабар қилган.

«Аслида дунёни, шак-шубҳасиз, Аллоҳ таоло бошқараёттир». Фақат «...илмдан етганлари шу дунёнинг зоҳиригина» бўлган (*Нажм, 30, мазмуни*) нодонлар назарида дунё малъун иблис ва шайтонлар ҳукми остида бўлиб кўринаверади. Бироқ Аллоҳ таоло «жаҳаннамни осийларга, шайтонларга тўлдираман» деганлиги учун ҳам иблис йўлини тутганларни «кетганича қўйиб» бермоқда (*оятдан*). «Дарҳақиқат, ким шайтонга эргашса, шубҳасиз, дўзах аҳлидан бўлғай». Аллоҳ таоло иблисга деди: «(Даргоҳимдан) кет, йўқол! Бас, улардан кимдаким сенга эргашса, албатта, жаҳаннам сизларнинг тўла-тўқис, мукамал жазоларинг бўлур» (*Исро, 63, мазмуни*).



Муқаддима

Эр-хотиннинг тумуш қуришидан асосий мақсади сўзсиз фарзанд кўришдир. Бақара сурасининг 187-ояти мазмуни шунга далолат қилади: «**Энди аёлларингиз билан кўшилинг ва Аллоҳ таоло сизларга насиба қилиб қўйган фарзандни умид қилинг**».

Мазкур оят рамазон рўзаси ҳукмларига оиддир. Бинобарин, ундаги «энди» маъносидаги сўз рамазон ойи кечаларини билдиради. Демак, «Рамазон ойи кечалари аёлларингиз билан кўшилинг ва бу кўшилишдан Аллоҳ таоло сизларга насиба қилиб қўйган фарзандни умид қилинг. Шаҳватни қондириш, баҳра олиш, нафс истакларини бажариш эса, уйланишнинг дунёвий мақсадларидир.

Мўмин ҳар қандай фарзандни эмас, балки насабини сақлайдиган, ҳаётлигида ва дунёдан ўтганида ҳаққига яхши дуолар қиладиган солиҳ фарзандни умид қилиши керак. Солиҳ мўминлар умид-истаги шундай бўлиши ҳақида Фурқон сурасининг 74-ояти ишора қилади. Унинг мазмуни шундай:

«**Парвардигоро! Бизларнинг хотинларимиз ва зурриётларимизни тоатингга муваффақ қилиш билан кўз қувончигимиз қил! Бизларни муттақийларга намуна эт!**» дегучилар...»

Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

ОЛТИНЧИ БОБ

Солиҳ фарзанд Аллоҳ таоло бандасига берган катта неъматдир. Ноқобил фарзанд солиҳ мўмин учун дардли ҳасрат ва улкан балодир. Аллоҳ таоло Аҳқоф сурасининг 17-оятида мўмин ота-она фарзандларининг эътиборсизлиги ва адашиши ортидан тортадиган жабрларини баён этади. Унинг мазмуни шундай:

«**Ота-онаси имонга чақирганида уларга: «Уф сизларга! Сизлар менга қўйга тирилишим ҳақида ҳабар қиласизми! Мендан олдин қанча халқ ўтди. Улардан ҳеч бири қайта тирилдими?» деган фарзандлари учун ота-она Аллоҳ таолога ёлвориб, уни рушду ҳидоятга муваффақ қилишини сўрайдилар ва: «Агар имонга келмасанг, ҳалокатга учрайсан, Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақдир», дейишади. У янада инкор қилиб: «Сизлар айтаётган нарсалар олдингилар тўқиган хурофотлардир, дейди».**

Солиҳ фарзанд ўзи, ота-онаси ва зурриёти учун дуо қилади. Аҳқоф сурасининг 15-ояти мазмуни шундай: «**Парвардигоро! Менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимни илҳом эт! Ва сен рози бўладиган солиҳ ишларни қилишга илҳомлантир ва яхшиликни зурриётимга ҳам ўтказ! Мен барча гуноҳларимдан сенга тавба қилдим. Мен ўзларини сенга топширганлар зумрасиданман**», деди.



1. Ҳомиладор аёлнинг савоби

Аёлларнинг энг фазилатлиси ва мартабаси баланди оналардир. Улар она бўлишда кечирган қийинчилик ва ташвишлар сабабидан шундай улуг мартабага лойиқдир. Аҳқоф сурасининг 15-ояти бунинг изоҳига кифоядир. Унинг мазмуни шундай: «**Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Уни онаси машаққат билан кўтарган ва машаққат билан туғган. Унинг ҳомила ва кўкракдан ажралиш муддати ўттиз ойдир**».

Зеро, она бўлажак инсонни қорнида қийналиб кўтариб юради ва қийналиб туғади. Она ҳомиладорлик қийинчиликларини ва туғиш дардларини, гўдакни эмизиш оғирликларини бошидан ўтказиши.

Луқмон сурасининг 14-ояти мазмуни шундай:

«**Инсонга Бизга ва ота-онасига шукр қилишни буюрдик. Онаси заифлиги устида заифлиги ошиб уни кўтарди. Икки йилда кўкракдан ажралади. Бизнинг ҳузуримизга қайтилади**».

Она отага қараганда кўп қийинчилик чекишидан фарзандлар олдида унинг ҳаққи кўпдир. Шунинг учун фарзандлар онага кўпроқ илтифот ва эҳсон кўрсатишлари лозим. Аллоҳ таоло фарзандларга ота-онага яхшилик қилишни фарз этди. Уларга қилинган яхшиликлар учун кат-

та савоблар берди. Уларни хафа ва норози этишни ҳаром қилди ва улкан гуноҳлар қаторига қўйди. Бу ҳақда оят ва ҳадислар кўп. Жумладан, Исро сурасининг 23—24-оятлари мазмуни шундай:

«Парвардигорингиз фақат ўзигагина қуллик этишингизни ва ота-онага яхшилик қилишингизни қатъий ҳукм этди. Агар ота-онанинг бирлари ё иккиси ҳузурингизда кексаликка етса, уларга уф деманг ва қичқирманг. Ва уларга юмшоқ сўзланг! Ва: «Парвардигоро, улар мени ёшлигимда тарбия қилганлари сабабли уларга раҳм қил», деб дуо қилинг!»

Имом Бухорий ва Имом Муслим Нуфой ибн Ҳорисдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилдилар: «Энг катта гуноҳлардан сизларни огоҳ этайми? Энг катта гуноҳлардан сизларни огоҳ этайми? Энг катта гуноҳлардан сизларни огоҳ этайми?» «Ҳа, ё Расулulloҳ», дедик. Расулulloҳ айтдилар: «Аллоҳ таолога ширк келтириш, ота-онани норози қилиш». Суянган эдилар, тўғриланиб ўтирдилар ва дедилар: «Огоҳ бўлинг! Ёлғон сўзлаш ва ёлғон гувоҳлик бериш!» Бу жумлаларни такрорлайвердилар. Ҳатто биз: «Тўхтасалар эди», деб қолдик».

2. Ўғил ва қиз

Инсон табиатан қиз боладан кўра ўғил болани кўпроқ умид қилади. Аллоҳ таоло унга ўғил фарзанд насиб этишини, хоссатан, биринчи фарзандини ўғил қилишини ёқтиради. Бу туйғу, Аллоҳ таоло қиз фарзанд берганида ғазаб ва норозилик даражасига етмаса, гуноҳ эмас.

Инсон Аллоҳ таоло унга берган фарзандини, агар қиз бўлса ҳам, ёмон кўриши мумкин эмас. Қиз туғилганда хафа бўлиш, ўғил туғилганида хурсанд бўлиш ярамайди. Фарзанд Аллоҳ таоло берган неъматдир. Ота эзгулик уларнинг қайси бирида эканини билмайди. Оталари пушаймон қилиб: «Шу ўғлим туғилмаган бўлмасмиди», дейиладиган ўғиллар қанча! Оталарига хайру баракот бўлган қизлар қанча!

Қиз бола туғилганида ғазабланиш жоҳилият даврининг — Аллоҳ таоло инсонларни Ислом неъматини билан мушарраф қилгунича бўлган палланинг энг ёмон одатларидан эканини биласиз.

Наҳл сурасининг 58—59-оятлари мазмуни шундай:

«Улардан бири қиз туғилганидан хабардор этилса, уялганидан юзи қорайиб кетади, хотинига ғазабнок бўлади. Хабар берилган нарсанинг қайғусидан одамларга кўринмасликка интилади. Хорланиб уни қолдирсинми ё тупроққа кўмсинми? Улар қилаётган ҳукмнинг ёмонлигидан огоҳ бўлинг».

Жоҳилият кишилари қиз болани ёмон кўрганликларидан, туғилиши билан тириклай кўмардилар. Бу ҳақда Такбир сурасининг 8—9-оятларида хабар қилинган. Уларнинг мазмуни шундай:

«Қандай гуноҳ сабабли ўлдирилди?» деб тириклай кўмилган қиз сўралса...»

Афсуски, жоҳилонга бу одат кўп юрт ва жамиятларда ҳамон сақланиб қолмоқда. Қизларни ёмон кўришади. Хотини қиз туғса, урадиганлар ва қўйиб юборадиганлар ҳам бор. Баъзилар қиз туққан хотинни айб-лашади ва ўғил туғмаса «қиз-туғар» деб ҳақоратлашади. У

нодонлар она қорни фақат пушт унадиган жойлигини, ўғил ва қиз аслида эркак уругидан бўлишини, насл аёлининг эмас, эркакнинг насли эканлигини билмайдилар. Агар таъна қилиш дуруст бўлса, ўзларини таъна қилишсин.

Фарзандни Аллоҳ таоло беришини унутмаслик керак. Шўро сурасининг 45—50-оятлари мазмуни шундай:

«Осмонлар ва ер тасарруфи Аллоҳ ихтиёридадир. Истаганини яратади. Истаган бандасига фақат қиз ва истаган бандасига фақат ўғил беради. Истаган бандасини бепушт қилади. У барча нарсани билгувчи ва истаган нарсасига қодир зотдир».

Демак, фарзандни Аллоҳ беради. У баъзиларга фақат қиз ато қилади. Баъзиларга фақат ўғил беради. Баъзиларга қиз ҳам, ўғил ҳам беради. Баъзиларга ҳеч фарзанд бермай, бепушт қилади.

Бунга рози бўлиш имонга боғлиқ. Киши имонли бўлса, Аллоҳ унга нимани истаса, берса ҳам, бермаса ҳам ва нима бўлса ҳам, шунга рози бўлади. Аллоҳнинг бергани фазлидир. Бермаса, адлидир. Инсон ғайб-ни билмайди. Нарсалар сирларини ва оқибатини идрок қилолмайди. Уларни танҳо Аллоҳ таоло билади. Банда маъқуллаши ва Аллоҳ таолога бўйсунуши лозим. Барча ҳолда Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиши даркор.

Биз бу ўринда Аллоҳ таоло фарзанд бермаганларни назарда тутмоқдамиз. Уларнинг иккиси ҳам ё бирлари бепушт бўлишларидан қатъи назар, Аллоҳ таоло уларга ихтиёр этган бу наслсизликка рози бўлиб ҳаётларини давом эттирсалар яхшидир. Бу уларга ҳавола. Агар бордию улардан

бири бефарзанд ўтишга рози бўлмаса, Аллоҳ таоло бунинг чорасини уларга берган.

Хотин бепушт бўлса, эр уни ўз никоҳида қолдириб, иккинчи хотинга уйланиши мумкин. Шояд Аллоҳ таоло ундан фарзанд кўришни насиб этса. Агар биринчи хотин бу ечимга кўнмаса ё эркак икки хотиннинг таъминотига қодир бўлмаса, ажралишлари мумкин. Нисо сурасининг 130-ояти мазмуни шундай:

«Агар ажралсалар, Аллоҳ таоло уларнинг ҳар бирига Ўзининг кенг фазлидан беради».

Эр бепушт бўлса ва хотин у билан яшашга рози бўлса, бунинг зиёни йўқ. Аммо хотин бошқадан фарзанд кўриш умидида ўз хоҳиши билан эридаги барча ҳақларидан кечиб, ундан яхшилик билан ажрашишни талаб қилса, эр бунга қаршилик қилиши дуруст бўлмайди.

3. Фарзанд

туғилганидан сўнг

Бола туғилгандан сўнг қилиниши лозим бўлган суннат ва мустаҳаб ишларнинг муҳимлари қуйидагилар:

1. Гўдак туғилганидан хушхабар бериш ва у билан қутлаш мустаҳабдир. Зеро, хушхабар мусулмонни қувонтиради ва хурсанд этади. Инсон фарзанди туғилса ё аёлининг ҳомиладорлиги билинса ҳам хурсанд бўлиши мустаҳабдир.

Марям сурасининг 7-ояти мазмуни шундай:

«Ё Закарийё! Биз сизга Яхё деб исланган бола ато қилишимиз хушхабарини берамиз. Бу ном билан олдин ҳеч бирни атамаганмиз».

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва унинг аёлларига ҳам фарзанд хушхабарини берган. Соффат сурасининг 101-ояти мазмуни шундай:

«Сўнг унга мулойим ўғил хушхабарини бердик».

Худ сурасининг 71-ояти мазмуни шундай:

«Унга Исҳоқни ва Исҳоқ ортидан Яъқубни туғишининг хушхабарини бердик».

Ҳасан Басрийдан, раҳимахуллоҳ, табрик борасида шундай ривоят қилинади. У зотнинг олдиларида фарзанд кўрган бир киши ўтирарди. Ҳузурларига яна бир киши келди ва унга: «Отлиқ севинтирсин», деб табриклади. Шунда Ҳасан Басрий: «У отлиқми ё эшакбоқарми — қаёқдан биласан?» дедилар. «Унда нима дейишимиз керак?» деди у одам. «Аллоҳ фарзандингизни муборак қилсин, берган Зотга шукрли бўлинг, фарзандингиз камолига етсин ва унинг яхшилиги сизга насиб этсин, деб айтинг», дедилар Ҳасан Басрий.

2. Чақалоқ туғилганидан сўнг биринчи эшитадиган сўзи азон бўлиши учун ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтиш мустаҳабдир.

3. Чақалоқ туғилгач, отаси ё бошқа фозил киши хурмо ё шунга ўхшаш нарсани чайнаб уни чақалоқ оғзига суриши ҳам мустаҳаб. Зеро, Пайғамбаримиз, саллоллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобаи киромлардан бир нечаларининг фарзандларига шундай қилганлар. Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмонинг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр, Аллоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин, туғилганларида Пайғамбаримиз шундай қилганлар. Асмо унга Маккада ҳомиладор эдилар ва Мадинага ҳижрат қилиб Кубога келишлари билан Абдуллоҳни туғдилар. Уни Расулуллоҳ ҳузурларига олиб борганларида, Расулуллоҳ хурмо келтиришларини сўрадилар ва хур-

мони чайнаб унинг оғзига туфладилар. Шундай қилиб унинг қорнига биринчи кирган нарса Расулуллоҳнинг муборак туфуклари бўлди. Сўнг хурмо билан оғзини сурдилар ва ҳақиқа дуо қилдилар, унга барака тиладилар. Абдуллоҳ Мадинадаги муҳожирларнинг Ислолда туғилган биринчи чақалоғи эди.

Асмо айтадилар: «Абдуллоҳ туғилганида ҳамма жуда қувонди. Чунки мусулмонларга, Сизларни яҳудийлар сеҳрлаб қўйган, фарзанд кўрмайсизлар, дейишган эди».

4. Бола туғилганида унга яхши ном қўйиш суннатдир. Ном қўйишни етти кундан кечиктириш номаъқул. Имом Муслим Анас ибн Моликдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам, айтдилар «Бу кеча бир ўғил кўрдим уни отамнинг исми билан «Иброҳим» деб номладим». Расулуллоҳнинг бу ўғиллари Марям қибтийядан, розийаллоҳу анҳо, туғилган эди. У чўрилари эди. Мусулмон бўлган эди. Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан, розийаллоҳу анҳумо, ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «Аллоҳ аза ва жаллага энг суюкли исмларингиз: «Абдуллоҳ» ва «Абдураҳмон»дир». Бошқа ҳадисларида айтадилар: «Пайғамбарларнинг номларини олинг!» Исмларни бузиб айтиш макруҳ бўлади.

5. Ўғил болани хатна қилиш суннатдир. Уни кечиктириш макруҳ. Хатна барча пайғамбарларнинг суннатиدير.

Муҳаммадшариф ЖУМАН

таржумаси

(Давоми келгуси сонда)

ХАТОЛАРИМИЗ ИЛМСИЗЛИКДАН

30-йиллар қатағонида бобом билан Қашқарга ўтиб кетган амаким 1990 йили Ватанга қайтиб келди. Ёшликларидида Қуръонни ёд олган, тақводор инсон эдилар. Бир суҳбатда: «Ҳидоя» фикр илмининг мағзидир», деб қолдилар. Мактабни аъло битириб, беш йил институтда ўқиган бўлсам-да, «Ҳидоя» деган китоб борлигини билмас эканман. Шукрким, «Ҳидоя»нинг биринчи жилди ўзбек тилида нашр этилди.

«Ҳидоя»да жуда кўп ҳаётий, шаръий масалалар ёритилган. Жумладан, оила қуриш ва никоҳ хусусида. Никоҳда эр ва хотин бир-бирига муносиб бўлиши шарт. Агар шундай бўлмаса, эрнинг хотиндан, хотиннинг эрдан кўнгли тўлмайди. Келин-куёв насл-насабда, ижтимоий мавқеъда, билим-савияда, дид-фаросатда, имон-эътиқодда, мол-мулкда бир-бирларига яқин бўлишлари аълодир. Лекин куёв бир оз баландроқ бўлса, зарари йўқ, чунки эр оила раҳбаридир. Аммо аксинча бўлса, келин ўзини камситилган ҳисоблайди.

Кейинги вақтларда кўпинча шошма-шошарликка йўл қўйишади, баъзи тўйлар ўн беш-йигирма кундаёқ ўтказилади. Баъзилар чиройи, уй-жойи, мансаби яхши бўлса бўлди-да, деб хато қилишади. Бошқалари фарзандларини хоҳламагани билан яшашга мажбурлайдилар. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Никоҳда мажбур қилмоқлик жабр қилмоқликдир*», деганлар. Бизнинг барча хатоларимиз илмсизликдан, улуғ китобларни ўқимаганимиздан келиб чиқмоқда.

«Ҳидоя»дек китобларни ўқиб, ундаги масалаларни турмушда қўллаш, ота-оналарга, ёшларга тушунтириш оила бузилишларининг олдини олади. Менимча, «Ҳидоя» асосида болалар тушунадиган содда тилда қўлланмалар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Тоҳирахон
БУРҲОНИДДИНОВА



МЕТРОДАГИ ДАРС

олдидан чиқиши мумкин бўлган тўсиқларни «кўриб» кетаётгани, кўзи ожиз киши ҳаётининг асосий мезонини ташкил қилар балки. Зиналарга яқинлашиб қолди. «Бориб ёрдам берсаммикан?» деб турган эдим, у худди зиналар теп-текис бўлиб қолгандек, ҳеч бир тўсиқ йўқдек, оппа-осон пастга тушиб кета бошлади. Ажабо, ҳассасининг учида уни йўналтириб турувчи нарсани бормикан-а?

Саҳнга тушдик. Поезд келди. Қизиқиб, кузатиб бордим, иккимиз бир вагонга чиқдик. Кўзи ожиз киши ўриндиққа жойлашиб олгач, сумкасида каттароқ бир нарсани чиқара бошлади. Унга ачиниб кетдим. Бечора, бу дунёга келгандан бери ёруғ оламни кўрмагандир. Дарахтлар, уйлар, инсонлар ва кўзлар... кўрадиган нарсалар шунчалик кўпки... Шуларни ўйлаб, кўз дунёга очилган бир дарича эканини, лекин унинг қадрига ета билмаслигимни тушундим.

Ҳалиги киши эса сумкасида олган қалин китобни варақлай бошлади. Бармоқларининг учи билан қидириб, керакли саҳифани топди. Дарҳол ўнг қўлининг кўрсаткич ва ўрта бармоқларини қабарик белгилар устидан юргиза бошлади.

У китоб ўқиётган эди. Шунда бир нарсани англадим. Бу киши кўзи билан эмас, қалби, руҳи ва вужуди билан китоб ўқиётган эди. Ўзимнинг аҳволимдан уялиб кетдим. Неча ойдан бери столим устида турган, фақат уч-тўрт саҳифа ўқилган китоб ҳамда ҳаёти давомида битта ҳам китоб ўқимайдиганлар кўз олдимга келди. Қанийди улар ҳам одамни ўйлантирадиган, ҳатто уялтирадиган бу манзаранинг шоҳиди бўлсалар.

Дунёда милёнлаб инсонлар бор, лекин китоб ўқувчилар-чи? Кўзи ожиз киши эса, кўзи очиклар орасида диққат билан қабарик ишоратлар устида бармоқларини юргизиб борар эди. Қизик, у қандай китоб ўқиётган экан-а? Ахир минглаб китоб, ҳафталик газета ва ойлик журналларни кўзи ожизлар учун доимий тайёрлаб бориш мумкин эмас-ку!

Кўзи ожиз киши тушадиган бекатига яқинлашди шекилли, китобини сумкасига солиб, ўрнидан турди. Поездга чиққанига беш-олти дақиқадан кўп вақт ўтмаган эди. Лекин ана шу қисқа муддат ҳам бу киши учун китоб ўқишга етарли вақт бўлди. Поезд бекатга келиб тўхтади. Кўзи ожиз кишининг тушишини пойлаб, мен ҳам тушдим. Ҳассани «тақ, тақ» ерга уриб, одамлар орасидан ўтиб кетаркан, беихтиёр кузатиб турардим. Ҳассанинг ҳар бир «тақ, тақ...» овози гўёки менга «ўқи, ўқи... ва шукр қил» дегандек эшитилар эди.

Маҳмуд МАҲКАМ

Сахарларда садо қилсам

Ясавий йўлида

Сахарларда сени йўқлаб садо қилсам,
Фарзу суннат амалларни адо қилсам.
Ҳақ йўлида бу жонимни фидо қилсам,
Дилда борим, дийдорингни кўрарманму?

Аллоҳ десам, равшан бўлар тийра дилим,
Зикринг айтиб толмагайдир асло тилим,
Ҳақ даргоҳи бўлса борарим — манзилим,
Дилда борим, дийдорингни кўрарманму?

Ҳар кимсага битилгандир тақдир, азал,
Менинг-чун йўқ икки дунё сендек гўзал,
Дийдор тилаб ёзмоқдаман ушбу ғазал,
Дилда борим, дийдорингни кўрарманму?

Маҳшар куни қўйма мени маломатга,
Ўрин қолмас шунда афсус-надоматга,
Васлинг истаб етиб борсам қиёматга,
Дилда борим, дийдорингни кўрарманму?

Комилжон МАМАТОВ,
Мингбулоқ



Илтижо

Кўҳна Ерни одамларга
табаррук бир макон қилдинг,
Торга тору кенгга кенг
айладинг — имтиҳон қилдинг.
Неъматингга шукр қилмай,
куфрда кечдилар. Йиғлаб,
Тавба деб бағри адоларнинг
йўлларин бер менга, Аллоҳим.

Гуноҳ уммонида сузган
нотавон бир қулингдирман,
Сатанг дунё, сузук кўзга
алданиб, машгулидирман.
Сиротул мустақимда
жидду жаҳд этган ошиқлар —
Улуғлар, порсоларнинг
йўлларин бер менга, Аллоҳим...

Ўқтам УМРЗОҚ,
Андижон

Бандаман, босган ҳар қадамим гуноҳ,
Гуноҳимга гувоҳ қолган ҳар изим.
Дунё, ҳою ҳавас, нафс дедим, эвоҳ,
Аллоҳнинг ёдисиз ҳар айтган сўзим
Гуноҳ...

Бир ғамгин пичирлаб имлаганда моҳ,
Унда бир бетакрор гўзаллик туйдим.
Билмадим, не учун кўксимдаги доғ? —
Ҳақни суйган сари теранроқ туйдим,
Ишқмикан, эвоҳ...

Ёлғон сўзламай деб, сўзлармиз ёлғон,
Юришлар, туришлар, кулишлар рўё. —
Ҳар ширин нафасим таслим қилар жон,
Гуноҳу савобим шу ёлғон дунё —
Билгувчи Аллоҳ...

Меҳринисо ОЙДИНОВА,
Самарқанд



Туш

Йўл охир бўлибди, умр ўтганмиш,
Қариган эмиш бу ҳаёт сафари.
Руҳим ҳам мангу юрт йўлин тутганмиш,
Учиб борармишман мангулик сари.
Аммо нечун бунча титроқ, қалтироқ,
Нега борлиғимни босмоқда даҳшат?
Юрак ухламоқда, лекин руҳ уйғоқ,
Аллоҳим, ўзингдан шафқат, мағфират...
Сўроқ бўлар энди рўзи маҳшарда,
Жавоб бермоқ шартдир барча ишларга.
Дўзах азоби бор, гўр азоби бор,
Чидаш керак қўйиб тишни тишларга.
Ўн икки ёшимдан кейинги барча
Қилинган каттаю кичик гуноҳлар
Қаршимда намоён асл ҳолича,
Рад қилиб бўлмайдди, бордир гувоҳлар.
Эсимда: йўлдан пул топиб олганим,
Билдирмай чўнтакка аста солганим.
Онамнинг кўнглига озор берганим,
Отамга ногаҳон қовоқ уйганим.
Қазо намозларим турибди қатор,
Қазо рўзаларим юрагим ўртар.
Не-не мол-дунёдан бермадим закот,
Аллоҳ буюрган қилмадим, ҳайҳот.
Оташи дўзахдан берилди хабар,
Кўзимнинг ёшлари бўлди шашқатор.
Аччиқ нола чекдим, кўтардим фарёд,
Ногоҳ етди улуғ Аллоҳдан имдод.
Кўзларим очилди, учди бошдан ҳуш,
Истиғфор сари йўл очди менга туш...

Қодиржон АБДУРАҲИМ ўғли,
Шаҳрихон

Чумчуқ ибрати

Бишр ибн Ҳорис ал-Ҳофий ривоят қилади: «Мен Акбар ал-Курдийдан:

— Сизнинг Аллоҳ йўлига қайтишингизга сабаб недир? — деб сўраганимда, у зот шундай жавоб бердилар:

— Биз қароқчилик билан шуғулланар эдик. Йўлларда чуқур қазиб, ичига тушиб, одамлар ўтишини пойлардик. Бир куни ажойиб ҳодиса рўй берди. Мен ўтирган чуқурнинг атрофида учта хурмо дарахти бўлиб, биттаси мевасиз эди. Бир чумчуқнинг мевали дарахтдан хурмо олиб, мевасиз дарахтга қўйиб кетаётганини кўрдим. Узоқ кузатдим. Чумчуқ шу амалини ўн мартадан ортиқ такрорлади. Ҳайрон бўлиб, дарахтнинг устига чиқдим. Не кўз билан

кўрайки, қуш хурмонинг устида ўралиб ётган кўр илоннинг оғзига ташиётган экан. Бу ҳолни кўргач, кўп надомат чекдим, йиглаб Аллоҳга илтижо қилдим: «Эй буюк Зот! Ўлдиришга буюрилган илоннинг кўзини кўр қилиб, унинг ризқига бир чумчуқни васила қилганингни қандай изоҳлай? Мен, гуноҳкор банда, амрингга хилоф равишда йўлтўсарлик билан шуғулланаяпман. Эй Раббим, мени кечир?» деб, бошқа «ҳамкасбларим»ни ҳам бу йўлдан қайтардим. Топган молмулкларимизни ташлаб, надоматлар билан уч кунлик сафардан сўнг ўз шаҳримизга кириб келдик. Шаҳар дарвозаси ёнида ўтирган кўзи ожиз аёл: «Ораларингизда Акбар ал-Курдий деган одам борми?» деб сўради. «Ҳа, онажон, у менман», дедим. «Уч кечадан бери Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, тушимга кириб, ўғлим қолдирган барча нарсаларни Акбар ал-Курдийга беришимни буюрадилар», деди. Биз аёл берган бойликларни олиб, бева-бечораларга тарқатиб келдик. Биз шу тариқа ҳақ йўлни топдик».

Усмон ибн Аффоннинг ўғитлари

Бадр ибн Усмон, розийаллоҳу анху, амакисидан ривоят қилади:

«Усмон ибн Аффон, розийаллоҳу анху, халифа этиб сайлангач, ташқарига чиқди. Ниҳоятда хафаҳол ва юзлари сўлгин эди. Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, минбарига чиқиб Аллоҳга ҳамд, Пайғамбаримизга саловат келтиргач, шундай деди:

— Сиз ўткинчи бир ҳаёт уйдасиз ва умрингизнинг қолган қисмини кутмоқдасиз. Шу ҳолда ҳануз ўлим келмай туриб, ишларнинг энг фойдалисини қилиб олишга шошилинг. Бир қарабсизки, қутилмаган бир соатда ушланиб қоласиз. Унутмангки, бу дунё ёлғон ва алдов устига бино бўлган.

«Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўямасин ва сизларни алдамчи (шайтон) Аллоҳ (ке-

ЎТКИНЧИ ҲАЁТ УЙИ



чираверади, деган алдов) билан алдаб қўямасин» (Луқмон, 33).

Сиздан аввал ўтган кимсаларнинг ҳолидан ибрат олинг. Сўнг саъй-ҳаракат қилинг ва ғафлатда қолманг. Зеро, сиз ғафлатга тушиб қолсангиз ҳамки, ишларингизни ҳисоб-китоб қилишда сира ғафлатга тушилмайди. Дунёда экинлар экиб-ўрган, баланд кошоналар қурган ва узоқ вақт завқу сафо сурган дунёнинг ўғиллари, биродарлари қаерда? Дунё уларни отиб юбормадими? Жалил Аллоҳ дунёга нақадар аҳамият бермаганидек, сиз ҳам шундай аҳамият берманг. Охират учун ҳаракат қилинг. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло дунё ҳаёти ва дунё ҳаётидан янада хайрли бўлган охират ҳаёти учун шундай бир тамсил қилган:

«(Эй Муҳаммад, одамларга дунё ҳаёти мисолини келтиринг. (У) худди сув кабидирки, Биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ер ўсимликлари (бир-бирига) аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнгра (кузда) шамоллар учириб кетадиган хашакка айланиб қолур».

Утба ибн Ҳазвоннинг ўғитлари

Ҳолид ибн Умайр ал-Авийдан: «Утба ибн Ҳазвон, розийаллоҳу анху, Басрада ҳоким бўлганида бизга бир хутба ўқиди. Аллоҳга ҳамд ва санодан сўнг шундай деди:

— Эй инсонлар! Дунё биздан айрилмоқчи эканини хабар бермоқда ва биздан юзини буриб тезлик билан узоқлашмоқда. Бизга бу дунёмиздан бор-йўғи бир коса сув ичилгач, идишнинг тагида қоладиган бор-йўғи бир томчи қадар нарса қолган, холос. Сиз бу дунёдан сўнгсиз бир ҳаётга кечиш арафасидасиз. Шундай экан, қўлингизда мавжуд энг хайрли борлиқ нима бўлса, ўшани ўзингиз билан олиб кетишга ғайрат қилинг. Бизга хабар берилишича, жаҳаннам шунчалар чуқурки, ичига бир тош отилса, етмиш йилда ҳам тубига етиб бормайди.

Аллоҳга қасамки, бу сўнгсиз бўшлиқ инсонларга тўлажақдир. Бунга ҳайрон бўляпсизми? Бизга тушунтиришларича, жаннат эшигининг икки палласи ораси қирқ йиллик масофадир. Кун келиб, инсонлар ана шу жойда қисилиб қолишади. Эслашимча, етти киши ҳамиша Расулulloҳнинг ёнларида қоларди. Мен ҳам улардан бири эдим. Дарахт япроқларидан бошқа озуқамиз йўқ эди. Япроқ еявергандан лаб-лунжларимиз тарс-тарс ёрилган эди. Кунлардан бир кун ердан бир шолча топиб олдим. Уни Саъд ибн Молик иккимиз бўлишиб, кийим қилдик.

Бугун эса ҳар биримиз бир ўлканинг ҳокимларимиз. Ўзимча буюк, Аллоҳ наздида эса, кичик бўлишдан Аллоҳ таолонинг паноҳ беришини тилайман».

Илҳомжон ЭШОНЖОН,
Абдуллоҳ МУРОД

таржималари

ЗИЁРАТ

Ҳар йили баҳорда мевали дарахтлар гўралаган пайтлари тўполончи шамоллар елади. Айниқса, тунлари шамолнинг дов-дарахтларда қасди бордай, ердан юлқиб-суғуриб оладигандай эгиб-букади; торқилайди, шохларини синдириб ташлайди, мевалар тўкилиб ер билан якеон бўлади. Момақалдироқ тумбирлаб, дўл-ёмғирлар узумларнинг шингил-гўраларигача узиб ташлайди.

Ҳар йили баҳорда шундай ҳолат бўлишига барчамиз гувоҳмиз. Нега шундай? Буни дунёнинг Эгасигина билади.

— Кимсизлар? Яқинроқ келинлар. Кўзим кўрмайди. Қаттиқроқ гапиринлар. Қулоғим эшитмайди. Мен сизларни ўрнимдан туриб кўтиб ололмайман.

Деворга суяниб ўтирган ёши юздан ошган Абдурауф ота Асқаровга ўзимизни танитамиз.

Уйга чўмган қария сўзланади:

— Хуфтонда акам хатм ўқиди, мен ҳам. Акам «луқма» емади, мен бир неча бор «луқма» олдим — адашиб, тўхтаб қолганимда орқада турганлар тўғрилашди. Алам қилди. Уйга кирасолиб энамга:

«Ҳозир қори даданикига жўнайман. Бўлсам ҳам бўламан, бўлмасам ҳам бўламан».

«Тўхта, ахир, даданг келсин, сўрайлик».

«Йўқ. Ҳозир жўнамасам, бўлмайди».

Қайсарлигимни билган энам охири қўлимга беш-олти нону уч сўм пул (у пайтларда уч сўмга қўй берарди) тутқазди. Жўнадим.

«Ўқиганмисан?»

«Ўқиганман».

«Унда нега келдинг?»

«Пишиқмасман, чаламан».

Кейинги йилгача яхши ўқидим ва Рамазон хатмини қарсиллатиб ўтиб бердим.

— Ўшанда неча ёшда бўлгансиз?

— Ўн олтида.

Олтмиш йил таровеҳ намозида хатмга ўтгани, олтмиш беш йил Андижон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон масжидларида имом бўлгани, асли Магирда туғилгани, шоли, пахта экканлари, сўнгра «қулоқлар» қатори сургун қилинганидан сўзланди.

— Дадам қочиб кетди. Мени ушлаб сўроқ қилишди.

«Даданг қани?»

«Билмайман».

«Дадангнинг ўрнига сени қулоқ қиламиз».

«Майли».

Эртасига поездга ўтказиб жўнатиб юборавришган. Суриштириш қаёқда, суд қилиш қаёқда?

«Ўн йил ўтирасизлар, қўл кўйинлар». Ўғрилик қилмасак, бошқа жиноят қилмасак, қайси айбимизга қўл қўямиз?»

«Ёзишни биласанми?»

«Биламан»

«Қуръон ўқийсанми?»

«Ўқийман».

«Асли сени бу ёқларга олиб келиб юрмай, ўша ёқнинг ўзида отиб юбориш керак экан...»

Қўлтигимиздан осиб, оёғимиздан электр сими теккизишади. Қўл қўймайлик-чи, тапга кирмайлик-чи?!

Далнивостокда ўн йил қарагай кесдим. Қайтиб келгандан кейин, қирқ саккизинчи йили келганман... қутулдикми? Қаёқда? Тунда келган бўлсам, саҳар бир танишим мелиса билан етиб келди. Қочиришди.

«Бу ердан тутиб кетиши аниқ».

«У ер ҳам бўлмайди».

Ниҳоят Қирғизистоннинг Кўкёнгоқ деган жойида бир мактабда гишт қўйдим. Кейин таниш-билиш билан машзаводда беш йил қорувул бўлиб ишладим. Қирқ беш йил бесаранжом бўлдим. Айланиб-айланиб туғилган жойим Магирда эмас, Тўқмоқда қарор топдим. Иккита акам армияда ўлиб кетди. Бир акам илмли, қори бўлгани учун латазаводда (Андижон турмасида) отиб юборишган. Беш ака-ука тирқираб кетганмиз. Комбинат тушади, деб шу ерга. Боги-шамолга кўчиришди. Яратганга минг қатла шукрлар. Ҳой одамлар, шукр, шукр қилайлик. Неча кунлигим қолди, билмайман.

— Мен кўрмайман, ўзларингиз қўйилган нарсалардан олаверинлар.

— Хўп-хўп, оляпмиз, энди биз кетсак, жавоб берсангиз.

— Ана холос, ош тайёр деяпти-ку!

— Раҳмат, биз Жалабекка, сиркафуруш маҳсум дадага ҳам ўтмоқчимиз.

— Салоҳиддин маҳсумгами?! Қани, омин...

* * *

Қори отанинг дуосини олиб кўчага чиқдик. Минг тўққиз юз тўртинчи йилда таваллуд топган Салоҳиддин маҳсум дада Қудратов олдин шеригимга, кейин менга юзланиб, кимлигимиз билан қизиқди.

— Ўтган-кетганлар... намоз ўқиганда хотирга келади...

— Шайтони лайин мўминнинг намозини пойлайди-да!

«Ассалому алайкум!» «Саломингиз бошқачами?» Бу ёғи саҳройи бепоён. «Қорним оч» «Юринг». Хужрасига қирамиз. «Худо ростлайди, шунақа ростлаб қўяди?» Салом бермасам, кетиб қолар эканман. Шаҳрихонни босиб, Бўзга ўтиб кетишимга оз қолибди.

Отам Авлиё домладан озгина дарё ўқиганлар. Авлиё домла забарларет киши эди. Кағта дареларни ҳам ёддан берар эди. Овқат йўқ. Сув ичиб дарёга қирамиз. Эшикка деб жавоб берганлар.

Қатор-қатор туяларда юриб келганмиз.

«Вой, муллавачча ўғлимдан энангиз айлансин. Қўйлагингизни ечиб беринг».

Ечиб берай, десам, бошқа киядиган қўйлагим йўқ.

«Кўрпачага ўраб қўяман. Кийимларингизни ювиб бераман».

Тоғорага сув солиб мижиғлаган эди, чириб қолган экан, йиртилиб-титилиб кетди.

«Ҳой сўфи, муллавачча келибди».

Шунақа кунларда, шунақа қўйлақларни кийиб мулла бўлганмиз, деб Авлиё домла — қиблагоҳимиз айтиб берар эди.

Сиркачилик боболаримиздан мерос. Ҳозир болаларимиз, набираларимиз қилади. Бизга осон. Сўраб-ўрганиб кетган одамлар эплаймайди. Ота мерос касб бўлганиданми, биз эплаймиз... Мадрасанинг ўрнида боғ, узумзор бор эди.

— Сирка қилинадиган узум ювиладими?

— Узумни ювса, сирка бўлмай қолади. Ў, баттоллар, ичса кайф қиладиган пайтда девордан ўтиб, ўғирлашар экан. Сиркага хамиртуруш қўшмаса, сирка бўлмайди. Камида қирқ кун туриши керак. Минг бир дардга даво. Сирка энг яхши нонхуруш деган маънода ҳадиси шариф ҳам бор. Хонадонларда дастурхонларда доимо сирка турар, сиркаси ош ейилмас эди...

Талаба болалар кириб қатор ўтиришади. Сухбатга қулоқ тутишади.

* * *

Даврларнинг бўронларини бошдан ўтказган боғлардан ёдгор. Бу отахонлар зиёратидан қайтар эканмиз, Абдурауф қори даданинг бутунги кун ҳақида айтган гаплари қулогимизда жангларлайди:

— Аёлларни тикиб чиққан битта дўпписини ҳам олиб қамаб қўйишарди. Иморат қилган, том ёпанни ҳам қамаб қўйверган. Ҳозир савдогарчилик қиласизми, дурадгорлик-косиблик қиласизми, қайси касб билан шуғулланаётган бўлмангиз, хоҳлаган жойингизда хоҳлаган ибодатингизни қилсангиз, ҳаж-умраларга борсангиз, яхши китоблар чиқаётган, ўқиётган бўлсангиз... Буларнинг шукрини қилиш керак...»

**Мухторжон КАРИМ,
Убайдулла СОДИҚ**



РАҲМДИЛ БЎЛАЙЛИК

Аллоҳ таоло Куръони каримнинг Оли Имрон сурасида шундай марҳамат қилади (*мазмуни*):

«**Айтинг** (эй Мухаммад): **«Агар мени севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир».**

Демак, биз, Раббимиз розилигини топиш учун албатта, унинг расулига эргашмоғимиз ва унинг хулқлари билан хулқланмоғимиз керак.

Абдуллоҳ ибн Амр: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳеч қачон ёмон сўзлар сўзламаган, ёмон қилиқ, ёмон феъл қилмаган зот эдилар», дейдилар. Зеро, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, биз мўминларни бир-бирларимизга ҳаммаша ширинсўз, раҳмдил бўлишга буюрганлар.

Мусулмон киши ўзининг дўстига, ота-онасига, фарзандига нисбатан юмшоқ муносабатда бўлишини раҳмдиллик деб, атамаслиги керак. Зеро, бу сифат ҳайвонларга ҳам хос, улар ҳам зурриётларига нисбатан меҳрибон бўлишади. Мусулмон киши эса, барчага, атроф-оламдаги жонзотларга ҳам меҳрибон бўлиши, марҳамат кўрсатиши зарур.

Раҳмдиллик ўзини бировга меҳрибон қилиб кўрсатиш эмас. Раҳмдиллик хайрхоҳликдир, кулфатни енгишга ёрдам беришдир. Бинобарин, фарзанд нотўғри йўлга кириб кетаётганида отанинг унга қаттиқ муносабатда бўлиб тўғри йўлга бошлаб қўйиши айнан раҳмдиллик бўлади.

Биз раҳмдил бўлсак, одамларни хатолардан огоҳлантиришимиз керак. Шариатга хилоф йўллар ёмон оқибатга, абадий азобга олиб боради. Атрофдагиларни залолатдан қайтариб, тўғри йўлга бошлаш билан ҳадиси шарифда айтилган «раҳмдил бўлинглар» деган амрни ижро этган бўламиз.

Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлсак, ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам раҳмдил бўлайлик, яхшилигимизни дариф тутмайлик!

Жамшидбек РУСТАМ,
*Ислом институти
талабаси*

Н. ВЎКЕР

САБЗАВОТ ШАРБАТЛАРИ ДАРДЛАРГА ДАВО

*Касалликлардан сақланиш ва давода
улардан фойдаланиш*



Бодринг шарбати

Бодринг энг яхши сийдик ҳайдовчи восита ҳисобланади. Лекин у кремний ва олтингугуртга бойлиги туфайли айниқса сабзи ва исмалоқ шарбати билан уйғунликда, масалан, сочни ўстириш ва бошқа яна кўплаб ажойиб хусусиятларга ҳам эга.

Бодринг таркибида 40 фоиз калий, 10 фоиз натрий, 7, 5 фоиз калсий, 20 фоиз фосфор, 7 фоиз хлор мавжуд.

Бодринг шарбати сабзи шарбатига қўшиб ишлатилса, бод касалликларини даволашга катта ёрдам беради, зеро, бундай касалликлар асосан вужудда сийдик кислотаси сақланиб қолиши оқибатида келиб чиқади. Бу аралашмага маълум миқдорда лавлаги шарбати ҳам қўшилса, умумий жараён янада тезлашади.

Бодрингда калий моддасининг кўплигидан у юқори ҳамда паст қон босимига энг қимматли даводир.

Бодринг шарбати тишлар ва милклар аҳволи ёмонлашиб қолганида, масалан, милкларнинг яллигланиши касаллигига чалинганда яхши ёрдам беради.

Бизнинг танамиз, айниқса, янги бодринг шарбатида мавжуд бўладиган ва тирноқларимизни ёрилиб, сочларимизни тўкилиб кетишдан сақлайдиган унсурлар уйғунлигига муҳтожлик сезади.

Кўплаб тери касалликларини даволашда бодринг шарбати сабзи ва салат шарбати қўшиб, мунтазам равишда истеъмол қилишдан яхши натижаларга эришиб келганлар. Айрим ҳолларда бу аралашмага камроқ миқдорда беда шарбати қўшилиши самарани янада оширади.

Момақаймоқ (қоқиўт) шарбати

Тана қувватини оширувчи, мустаҳкамловчи энг қимматли воситалардан саналмиш бу шарбат организмдаги кислоталик даражасини ва ишқорлар таркибини мўътадиллаштириш учун зарурдир.

Таркибида калий, калсий ва натрий нисбати жуда юқори бўлган мазкур шарбат, шунингдек, магний ва темир моддаларига ҳам бойдир. Магний танани йириклаштиради ва суякларни бўшашиб кетишдан сақлайди.

Хомилдорлик даврида истеъмол қилинадиган овқат таркибида магний ва калсий моддалари етарли бўлиши туғиш билан боғлиқ йўқотишларнинг ва тишлар емирилиб кетишининг олдини олади ҳамда чақалоқнинг суяклари мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Калсий, темир ва олтингугурт билан тўғри нисбатда омукта қилинган органик магний қоннинг айрим таркибий қисмлари (ингредиентлари) учун зарурдир. Маг-

ний бундай ҳолда янгиловчи кучга эга бўлиб, тана ҳужайраларини, айниқса ўпка тўқималари ва асаб тизимини бунёдга келтирувчи унсурлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Фақат тар ҳолда (яъни, барралигида ва хомлигида) истеъмол қилинсагина, магний ҳаётий аҳамиятга эга бўлади. Бироқ у вужуднинг тўғри ва соғлом фаолият кўрсатишига тўққинлик қилувчи маъданлар бўлмиш магнийли дорилардан бутунлай бошқа нарса эканини яхши тушунмоқ лозим. Куқун кўринишида бўладими ёки сут тарзидами, магнийга асосланган барча кимёвий дорилар танада ўлик моддаларнинг чўқиндилари йигилиб қолишига олиб келади. Албатта, мазкур дорилар тезда муайян самара бериши мумкин, бироқ бунда фақат вақтинча таъсир бўлади. Бундай ўлик модданинг танада тўпланиб қолиши келажакда муайян даражада вайрон қилувчилик, бузувчилик табиатида эга бўлиши мумкин.

Сабзавотлар шарбатидаги хом тирик магний тана учун беқиёс катта аҳамиятга эга озиқли моддadir.

Момақаймоқ барглари ва илдиэларидан олинган хом шарбат билан сабзи ҳамда шолғом барги шарбатлари омукта қилинганда умуртқа поғона ва бошқа суяк касалликларида ёрдам беради, шунингдек, тишларни мустаҳкамлаб, уларни милк яллигланиши касаллигидан ва синиб кетишдан сақлайди.

Саримсоқ шарбати

Ёқимсиз ҳидига қарамасдан, саримсоқ шарбати танани тез тозалаши билан фойдалидир.

Саримсоқда хантал (горчица) ёғи мўл. Шунингдек, у иштаҳани очишга ва ошқозон ширасини ишлаб чиқаришдан тортиб, то ичакнинг қисқариб ҳаракатланишини (перисталтикасини) яхшилаш ва сийдик ажралиб чиқишига фойда берадиган бошқа тозаловчи унсурларга ниҳоятда бой.

Унинг эфир мойи шу қадар кучли ва сингувчанки, ўпка ва нафас йўларини шиллиқ моддалардан тозалайди ва вужуддаги заҳарлар тери орқали чиқиб кетишига ёрдам беради.

Саримсоқ шарбати ичак паразитларига қарши курашда ҳамда ичбуруғ касаллигини даволашда гоёта самарали воситадир. Маълумки, керакли озуқа бўлмаган жойда паразитлар ва бактериялар ҳам яшаб кўпая олмайди. Ажратув органлари чириётган чиқиндиларга тўлган экан, ундай жойда сон-саноксиз микроблар ҳам яйраб яшнаши турган гап! Ҳар куни гўшт маҳсулотларини ва бошқа ноорганик озуқалар ва дориларни истеъмол қилиш билан вужудимиздаги чиқиндилар ва заҳарлар миқдори

орта борар экан, микроблар ва паразитлар учун ҳам қулай шароит яралиб, тезликда кўпайиб бораверади.

Саримсоқ шарбати хусусидаги ушбу тавсиялар пиёз шарбатига ҳам бирдек тегишлидир.

Саримсоқ шарбати махсус машинада сиқиб олинса, унинг ҳиди шу машинада бир неча кун мобайнида сақланиб туришини ҳам назарда тутиш лозим.

Ерқалампир шарбати

Таркибидаги эфир моддалари ниҳоятда кучли бўлганидан ерқалампир (хрен) шарбатини истеъмол қилишга одатланмаганмиз. Шунинг учун унга лимон шарбатидан қўшган ҳолда ҳар куни оч қоринга ярим чойқошиқ миқдорда истеъмол қилиб туришни тавсия этамиз.

Бундай қоришма шиллик қаватга зарар етказмаган ҳолда шиллик моддани тўпланиб қолган жойидан йўқ қилишга ёрдам беради.

Ерқалампир шу тариқа истеъмол қилинганида буйрак, ўт пуфаги ва овқат ҳазм қилиш йўлининг шиллик қаватига ҳам безовталик етказмайди.

Бундан ташқари лимон шарбати қўшилган ерқалампир бўтқаси сийдик ҳайдовчи ғоят кучли восита бўлиб, айниқса шишларни ва истисқо касаллигини даволашда бебаҳодир.

Одатда 150 грамм ерқалампирга икки-уч лимон шарбати қўшилиб тайёрланган қоришма истеъмол қилинганида энг мақбул самарага эришилади.

Салат шарбати

Салат (латук) шарбатига инсон вужуди учун фойдали кўплаб моддалар, масалан, темир ва магний мавжуд. Темир организмдаги энг фаол унсур бўлгани боис бошқа ҳар қандай унсурга нисбатан тез-тез янгиланиб туриши керак. Жигар ва талоқ темир моддаси тўпланадиган жой бўлиб, уни тана кутилмаган зарурий ҳолатларда, масалан, кўплаб қон йўқотилган тақдирда қизил қон дончаларини ҳосил қилиш учун ишга солади. Бундан ташқари, жигардаги темир захираси фавқулдда ҳолатлар, масалан, қон оққанда ёки истеъмол қилаётган овқатимиз бу унсурнинг органик турига етарли даражада эга бўлмаган тақдирда вужуднинг исталган қисмини маъданли унсурлар билан таъминлаб туради.

Талоқда тўпланган темир моддаси захираси аккумулятирга ўхшайди. Яъни, унда қон ўзининг нормал вазифаларини бажариш учун зарур бўлган қувват билан қайта зарядланади. Салат таркибидаги магний айниқса мушак тўқималари, мия ва асаб толалари учун фавқулдда катта жонлантирувчи кучга эга. Магнийдаги жонли тузлар ҳужайраларни, асосан асаб тизими ва ўпка тўқималарини тиклайди. Улар, шунингдек, қоннинг мўътадил маромда айланиб туришига ҳам ёрдам беради, модда алмашинуви бусиз амалга ошмайди.

Сабзи, салат ва исмалоқ шарбатлари аралашмаси ҳар куни истеъмол қилиб борилса, асаб толалари ва соч илдизлари озиқ билан яхши таъминланади. Сабзи, салат, яшил қалампир ва беда шарбатларидан иборат аралашма ҳам соч ўсишини яхшилашга ва унинг табиий рангини тиклашга хизмат қилади.

Салатдан шарбат олишда унинг оч яшил (яъни, ички) баргларида эмас, балки хлорофиллга ва бошқа

ҳаётий муҳим унсурларга бойроқ бўлган тўқ яшил баргларида фойдаланиш яхшироқ.

Сил ва ошқозон хасталикларига чалинган кишиларга салат шарбати жуда катта наф беради. Бу шарбат, шунингдек, сийдик ҳайдовчи восита ҳамдир.

Салат шарбатининг сабзи шарбати билан омуктаси болаларга (эмизикли чақалоққа, каттароқ болага ҳам) тавсия этилади ва жуда яхши самара беради.

Қовун шарбати

Қовун сабзавот эмас, балки мева ҳисобланса-да, биз унинг фавқулдда юксак даволаш хусусиятлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишни маъқул топдик.

Қовун шарбатига пепсин моддасига ўхшаб кетадиган папаин моддаси мавжуд. Унда фақат инсон ва ҳайвон танасидагина бўладиган фибрин моддаси ҳам бор. Ошқозон ва ошқозон ости беши шираларида осон ўзлашиб кетадиган шарбат қоннинг ивувчанлигини оширувчи восита сифатида фойдалидир.

Қовуннинг пишганига нисбатан хомроғида фаол папаин энзимлари кўпроқ. Хомроқ қовун шарбати ичаклардаги бузилишларни, жумладан, яралар ва бундан ҳам жиддийроқ хасталикларни ақл бовар қилмас даражада тез даволашга ёрдам беради.

Петрушка шарбати

Петрушка кўкати ниҳоятда кучли таъсир кўрсатувчи шарбатга эга. Бу шарбатни асло 30-60 граммдан кўп истеъмол қилмаслик керак. Шунда ҳам уни сабзи, салат, исмалоқ шарбатлари билан омукта қилиб ичган маъқул.

Петрушкадан олинган янги хом шарбат кислород алмашуви ва буйрак усти, қалқонсимон безларининг мўътадил фаолият кўрсатишига ёрдам беради. Унинг таркибидаги унсурларни қон томирларни, айниқса қилтомирларни (капиллярлар) ва артерияларни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган нисбатда сақлаб турилиши керак. Мазкур шарбат сийдик-таносил йўллари касалликларига энг зўр даво, буйрак ҳамда қовуқда тош ҳосил бўлганида, нефрит хасталигини енгишда, сийдикда оқсил моддаси кўпайиб кетганида ва буйрак билан боғлиқ бошқа касалликларидан халос бўлишда ҳам катта ёрдам беради. Ундан истисқони даволашда муваффақиятли фойдаланилади.

Кўзга ва кўрув нерв тизимига оид барча касалликларга қарши курашда яхши самара беради. Шох парда яраси, катаракта, конъюнктивит, офталмиянинг барча босқичлари ёки қорачиқлар сустиги петрушка шарбатини сабзи, селдир ва эндивий шарбатларини қўшиб ичиш билан даволанган.

Петрушка шарбати билан лавлагги ёки лавлагги-сабзи ҳамда бодринг шарбатлари омуктаси аёлларнинг ой кўришларини яхшилашда муваффақиятли қўлланилади. Ой кўришдаги бузилишлар натижасида юз берадиган хуржумзан оғриқлар жуда кўп ҳолларда шу шарбатлардан мунтазам равишда ичиб туриш туфайли йўқолган. Фақат бу пайтда бойитилган крахмал, қанд ва гўшт маҳсулотлари истеъмолидан батамом тўхтаб туриш лозим.

Шариф ХОЛМУРОД
таржимаси

КЎЗИНГИЗНИ САМОГА ҚАЙТАРИНГ

Ҳозирги илм-фан, фалакшунослик (астрономия) ҳам осмон жисмларининг нечоғли баҳайбат ёки миттиликни Ер ва Қуёшга нисбатан ўлчаб тушунча беради. Коинотда тахминан 100 миллиард юлдуз мавжуд. Салкам Ердек келадиған юлдузлар бор. Ердан қараганда бу юлдузлар оқ рангли нур сочиб, милтираб кўринади. Улар «оқ миттилар» деб аталади.

Қизил юлдузлар эса ўта улкан бўлиб, Қуёшдан бир неча минг марта каттадир. Қуёшнинг кутри (диаметри) 1 милён 400 минг километрга тенг. Коинотдаги ВВ деб номланувчи баҳайбат қизил юлдуз Қуёшдан 6000 марта катталиги аниқланган. Бу салкам 9 миллиард километрли кутр дегани.

Қуёшдан энг узоқ сайёра Плутонгача бўлган масофа узоғи билан 6 миллиард километр чиқади. Қуёш тизимининг ўлчами ҳам тақрибан шунга тенг. Ана энди бир бутун тизимнинг ўлчами 6 миллиард километр бўлгани ҳолда битта осмон жисми диаметрининг ўзи 9 миллиард километр бўлишини қиёслаб олаверинг. Фалакшуносларнинг таъкидлашича, Қуёш тизими яратилганидан буён ҳали ўз ҳаракати давомида бир жойдан икки марта ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Бу эса коинот сарҳадлари қанчалик кенглиги, Аршнинг ақл бовар қилмас даражада чексиз, улканлигининг далилидир.

Фан тараққиёти боис шундай хулосага келинди. Яъни, ҳозиргача маълум бўлган энг кичик зарра (протон) билан коинотдаги улкан галактикалар ўртасида ҳам ягона бир мужассамлик, муштараклик мавжуд экан.

Ислонми қабул қилган фанрангистонлик машҳур олим Морис Бокай ўзининг «Таврот, Инжил, Қуръон ва ҳозирги замон» деган илмий асаридида шундай ёзади: «Биз яшаётган Галактиканинг ёши ўн миллиард йил деб тахмин қилинмоқда. Галактикамиздаги 100 миллиард юлдуздан ярмиси Қуёшга ўхшаб ўзининг планеталар тизимиға эға эканлиги тахмин қилинади. Яъни, 50 миллиард юлдуз худди Қуёшга ўхшаб ҳаракатланади. Улар атрофида ҳам йўлдош ҳолидаги планеталар, яъни, сайёралар бор».

Бу фикрдан биз яшаётган оламларнинг нақадар чексиз-чегарасиз эканлиги яққол аён бўлиб турибди. Демак, мумтоз адабиётда кўп бора тилга олинган «ўн саккиз минг олам» тушунчаси бўрттилган муболаға эмас экан. Бизнинг ожизгина тасаввуримиз аранг қамраб олган биттагина Галактика шунчалик улкан бўлгач, бундай галактикаларнинг беҳисоб, сон-саноксиз эканлигини тасаввур этишга инсон ақл-заковати ожизлик қилиб қолмайди? Яна бир машҳур олим П. Пуэрин ёзишича:

«Планеталар системаси коинотда кўпни ташкил этади. Қуёш ва Ер ягона планета системаси эмас... Коинотнинг керакли шарт-шароитлар бўлган ҳамма тарафида ҳаёт бор!»

Демак, Галактикамиз шунчалик улканки, уни ташкил этган энг зич юлдуз гуруҳининг бир учидан иккинчи бир учига ёруғлик тезлигида (сониясига 300.000 км. тезликда) етиб бориш учун 90.000 йил керак бўлади. Ваҳоланки, бу Галактика қанчалик улкан ва беқиёс бўлмасин, у осмоннинг (коинотнинг) кичик бир унсури, холос.

Коинотнинг сирлари ҳақида ҳозирги замон фани жуда кўп саволларга жавоб тополганича йўқ. Аллоҳнинг буюк ҳикмати-ни тўла кашф этишдан бандаси ожиздир. «(У) етти осмонни устма-уст қилиб яратган Зотдирки, У Раҳмоннинг (меҳрибон Зотнинг) яратишида бирон тафовут-нуқсонни кўрмасиз. Энди кўзингизни яна (самога) қайтаринг-чи, (унда) бирон футур-ёриқни кўрармикансиз? Сўнгра кўзингизни қайта-қайта (самога) қайтаринг, кўзингиз сизга чарчаб, ҳолдан тойган ҳолда қайтур (аммо Аллоҳ таоло яратган осмонлардан бирон айб-нуқсон топа олмас)» (Мулк сураси, 3-4-оятлар мазмуни)

Аҳмад МУҲАММАД
ТУРСУН

Офият бўлсин

Масаллиқ: 2 стакан ун, 150 гр шакар, 150 гр сариеғ ёки ҳалол маргарин, 100 гр майдаланган ёнғоқ ёки ерёнғоқ.

Тайёрлаш: Ун ва шакар аралаштириб олинади, юмшатилган сариеғ ёки маргарин, уксусда ўлдирилган чой содаси, ванилин, тухум (битта тухумнинг оқи кулча устига суриш учун олиб қолинади) солиб, хамир қорамиз. Хамирни думалоқ шаклга келтириб, совуқ жойга 30-60

Ёнғоқли тешик кулча

дақиқа қўямиз. Тайёр бўлган хамирни 0,5 см қалинликда ёйиб, стакан ёрдамида шакллар оламит ва ўртасини ҳам кичкина думалоқ шаклда ўйиб оламит. Шаклларнинг устига тухум оқи суркаб, майдаланган ёнғоқ ёки ерёнғоққа ботириб оламит. Газ духовкасида 10—15 дақиқа давомида пишириб оламит. Пишиб чиққан кулчаларнинг устига қанд кукунни сеип, дастурхонга тортамиз.